

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ
ТИББИЙ МУАССАСАЛАР РАЎБАРЛАРИНИ МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ
УМУМИЙ ТАВСИФИ**

ТОШКЕНТ – 2011

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ
ВАЗИРЛИГИ**

ТИББИЙ ТАЪЛИМНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

«ТАСДИҚЛАЙМАН» Ўз Р Соғлиқ сақлаш бош бошқармасининг илмий бўлими ва ўқув бошлиғи, профессор Ш.Э.Атаханов _____ « _____ » _____ 2011 й. баённома № _____	«КЕЛИШИЛГАН» Ўз Р Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги тиббий таълимни ривожлантириш Маркази Директорининг ВВБ Х.А.Абдуллаева _____ « _____ » _____ 2011 й. баённома № _____
--	---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИДАГИ
ТИББИЙ МУАССАСАЛАР РАЎБАРЛАРИНИ
МАЖБУРИЯТЛАРИНИНГ УМУМИЙ ТАВСИФИ БЎЙИЧА
ўқув-услубий қўлланма
VII курс педиатрия, тиббий педагогика факультети талабалари,
резидентлар учун**

ТОШКЕНТ – 2011

Тузувчилар: Ш.Т. Искандарова - Тош ПМИ Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси мудир т.ф.д., профессор

Н.М.Махмудова -.Тош ПМИ Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси профессори, т.ф.д.

Н.Ф.Расулова - Тош ПМИ Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедраси катта ўқитувчиси, т.ф.н.

Рецензентлар: П.Р. Менликулов - Тошкент Врачлар Малакасини Ошириш Институтини соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва молиялаштириш кафедраси профессори, т.ф.д.

В.Т.Самадова - Тош ПМИ Жамоат саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкил қилиш ва бошқариш кафедрасининг доценти т.ф.н.

А.Р. Эгамбердиев - Тош ПМИ Ўзбек-лотин тиллар кафедраси катта ўқитувчиси.

Қўлланма ТошПТИ нинг МУК да муҳокама қилинган, баённома № ____ 2011й.

Қўлланма ТошПТИ нинг Илмий Кенгашида тасдиқланган, баённома № ____ 2011 й

ТошПТИ Илмий Кенгаши Илмий котиби Э.А.Шомансурова _____

МУНДАРИЖА

Кириш	7
1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги.	
2. 1.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг тузилиши.....	10
1.2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига қарашли тиббий муассасалари.....	11
3. Соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят бошқармалари	
2.1. Соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят бошқармалари иш фаолияти ҳақидаги умумий маълумотлар.....	12.
2.2.Соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят бошқармалари бошлиғининг вазифалари	17

2.3. Соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят бошқармалари бошлиғи профилактика ва даволаш иши бўйича ўринбосарининг вазифалари	18
2.4. Вилоят бош педиатри вазифалари.....	20
4. Кўп тармоқли тиббий марказ ҳамда болалар кўп тармоқли марказлари.	
3.1. Кўп тармоқли тиббий марказ ҳамда болалар кўп тармоқли марказлари иш фаолияти ҳақида умумий маълумотлар.....	21
3.2. Вилоят кўп тармоқли болалар маркази бош шифокорининг вазифалари ..	27
3.3. Вилоят кўп тармоқли болалар маркази бош шифокорининг даволаш ишлари бўйича ўринбосарининг вазифалари	33
3.4. Вилоят кўп тармоқли болалар маркази стационар мудирининг вазифалари.....	37
3.5. Вилоят кўп тармоқли болалар маркази ординатор-педиатрларнинг вазифалари.....	40
5. Шаҳар тиббий бирлашманинг ёки оилавий поликлиниканинг болалар бўлими	
4.1. Шаҳар тиббий бирлашманинг (болалар поликлиник бўлими) иш фаолияти ҳақидаги умумий ҳолатлар.	43
4.2. Шаҳар поликлиникасининг болалар бўлими мудирининг (марказ ёки оилавий поликлиника)	48
4.3. Поликлиниканинг педиатрия бўлими мудирининг вазифалари	49
4.4. Маҳаллий педиатр, врач педиатр (УАШ, педиатрия бўлинмаси бўйича) вазифалари.....	50
4.5. Мактабгача муассасалар ва мактаб врач педиатрларининг вазифалари ...	52
4.6. Оилавий поликлиниканинг иш фаолияти тўғрисида.	55
6. Шаҳар болалар касалхонаси.	
5.1. Шаҳар болалар касалхонаси ҳақида умумий маълумотлар.	83
5.2. Шаҳар болалар касалхонаси бош шифокорининг вазифалари	85
5.3. Шаҳар болалар касалхонаси бош шифокорининг тиббий бўлим бўйича ўринбосарининг вазифалари	90

5.4. Шаҳар болалар касалхонаси бош шифокорининг методик ишларни ташкиллаштириш бўйича ўринбосарининг вазифалари	92
5.5. Шаҳар болалар касалхонаси бўлими мудирларининг вазифалари	92
5.6. Врач ординатор- педиатр вазифалари	97
Акушер-гинекологик комплекс.	
6.1. Акушер-гинекологик комплекс иш фаолияти тўғрисидаги умумий маълумотлар	101
6.2. Акушер-гинекологик комплекс бош шифокорининг вазифалари	105
6.3. Оилавий поликлиниканинг аёллар маслаҳатхонаси (бўлими)	107
7. Туман даволаш-профилактика муассасалари(МТБ Марказий туман бирлашмалари ва б.)	
7.1. Туман даволаш-профилактика муассасалари (МТБ Марказий туман бирлашмалари ва б.)нинг иш фаолияти ҳақидаги умумий маълумотлар.....	111
7.2. МТБ бошлиғи ҳамда МТШ бош шифокорининг вазифалари	115
7.3. МТБ бош шифокорининг амбулатор-поликлиник ёрдам бўйича ўринбосарининг вазифалари.....	120
7.4. Туман бош педиатри вазифалари.....	121
7.5. Марказий туман шифохонасининг ординатор-педиатр вазифалари	122
8. Қишлоқ даволаш профилактика муассасаси ҚВП	
8.1. Қишлоқ даволаш профилактика муассасаси (ҚВП) ларнинг иш фаолияти ҳақида умумий ҳолатлар	122
8.2. ҚВП мудирининг вазифалари	128
8.3. ҚВП молия менежерининг вазифалари.....	131
8.4. ҚВП да УАШ нинг вазифалари	135
8.5. ҚВП даги доянинг вазифалари.....	138
8.6. Умумий амалиёт хамширасининг ҚВП даги вазифалари	141
9. Даволаш-профилактика муассасаларидаги асосий ҳисоб-китоб ҳужжатлари.	
9.1. Амбулатор-поликлиник.	146

9.2. Шаҳар болалар шифохонасининг асосий хужжатлари	149
10. Даволаш-профилактика муассасаларидаги асосий кўрсаткичлар.	
10.1. Амбулатор-поликлиник	154
10.2. Шифохона иш фаолияти асосий кўрсаткичлари.....	158
11. Адабиётлар	165

Кириш

Шифокор, қандай лавозимни эгаллашидан қатъий назар ўз иш ҳажмининг ҳам иш ташкиллаштирувчиси-бошқарувчиси ҳам амалга оширувчиси ҳисобланади.

Ҳар бир бош шифокорнинг бошқарувида ёки шифокорлар ёки ўрта ҳамда кичик тиббий ходимлар бўлади. Шифокорлар ҳамда ўрта тиббий ходимлар биргаликда бўлишлари ҳам мумкин. Эгаллаган лавозимига кўра бошқарувда бўлган қарашли кишилар сони 1-2 дан то бир неча бўлишлари мумкин.

Ҳар бир тиббий лавозимдаги вазифалар ва мажбуриятлар ўзига хос хусусияларга эга, ташкиллаштирувчи-бошқарувчи сифатида эса мажбуриятлар умумий хусусиятларга эгадир.

Барча бошқарувчилар, жумладан шифокорлар ҳам қуйидаги сифатларга эга бўлишлари керак:

1) хушаҳлоқли, мустаҳкам-ғояли, чуқур билимларга эга, бошқарувчи сифатида кенг дунёқарашли бўлишлари.;

2) Ўзига хос аниқ бир мақсадга йўналганлиги ўзига хос, виждонли, яхшиликга ишонган, фаол ва ташаббускор бўлишлари;

3) интизомли, ишбилармон ва ўз ишига ижодий ёндошиш ва ўз қарамоғидаги ишчилардан ҳам берилган ишларга виждонли ёндашувни талаб қилиш, ҳар бир ишда самарадорликка ва натижавийликка эришиш, ҳар доим янгиликка эришишлари;

Ўз вазифа ва мажбуриятларини, врачлик бурчини ҳаққоний ва ҳалоллик билан бажаришлари;

4) Камчиликларга бегоҳат бўлиш, тўғри танқидга ҳолис қарашлик, ўз қарамоғидагилари билан яқин муносабатда бўлиш ва уларга мураббий бўлишлари;

5) Ўз ишига алоқадор бўлган соғлом кишилар ва касаллар билан хушмуомала бўлиш ва бунга ўз ҳамкасабаларини ўргатишлари.

Бу мавзуга оид, раҳбар қандай унвонли ва касбидан қатъий назар қандай бўлиши кераклиги ҳақида кўпгина илмий ва оммабоп адабиётлар мавжуд.

Ҳар бир раҳбар аниқ бир мақсад сари интилувчан бўлиши, ўзи бошқарган ишига қизиқувчан, қўрқув учун эмас балки виждонан ишлаши, ишини, касбдошларини, коллективини севиши керак. Бундай раҳбар иши билан шундай машғул бўладики ўз шахсий бахтсизликлари ва муаммоларини сезмайди. Бундай раҳбар беихтиёр ўз касбдошларини мардлик сари етаклайди.

Мақсад сари интилиш – бу шахс эришмоқчи бўлган аниқ бирор бир нарсага эришишга ҳаракат. Ҳар бир инсон яқин ва узоқ мақсадларга эга, лекин шахснинг мақсад сари интилишини назарда тутилганида кундалик муаммолар эмас, катта ижтимоий мақсадлар тушинилади.

Касбий билимларга эгалик қилиш учун зарур:

- ўз соҳасида етакчи бўлиш, ўз билимларига таянган ҳолда тўлақонли ва ваколатли барча масалаларини ҳал қилиш.

Кўп манбаларда қуйидаги тавсифномаларни учратиш мумкин: бошқарувчи аниқ бир даражадаги камтарликка ва у билан боғлиқ бўлган ишончга эга бўлиши керак, ундан ташқари, бошқа одамларнинг ҳам мавжудлиги ва улар катта лавозимларни эгалламасалар ҳам у ёки бу вазифаларни бажара олишларини эсдан чиқармасликлари даркор. Буларга ишончнинг йўқлиги ходимларнинг мустақиллигининг кенглигига салбий таъсир кўрсатади.

Фақатгина бу шароит яратилгандагина барча ишчилар ҳаётга қизиқишни ва коллективдаги ишнинг қизиқлилигини, бу эса ўз навбатида янада ишнинг самарадорлигини оширади. Ҳар бир шифокорнинг иши жорий, унумли ва натижавий бўлиши керак. Жорий иш—қачонки керакли ишлар амалга оширилганида айтилади.

Натижавий иш — қачонки бирон бир аниқ ҳаракатлардан келиб чиқиб ижобий ёки кутилган натижа олинishiга айтилади.

Самарадор иш— қачонки аниқ бир самара, керакли натижа олинishiга айтилади. Ҳар бир раҳбар моҳир, ташаббускор бўлиши керак.

Ҳар бир шифокор некбин (оптимист) бўлиши керак. Некбинлик(оптимизм) келажакка ишонч — тетиклик, ҳаётга бўлган шодлик, инсоният ривожланишининг тараққиёт тантанаси билан суғорилган кучли дунёқараш.

Бу барча шароитларга риоя қилиш учун албатта ўзининг ва ҳамкасабаларнинг вазифаларини ва мажбуриятларини чуқур ҳамда ҳар томонлама мукамал билиш керак. Ўз олдимизга қўйган мақсадимиз: талабаларни турли ҳил даражадаги раҳбарларнинг асосий вазифалари билан таништириш ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида Мустақилликка эришилгандан кейинги йилларда (1991й.) аҳолининг соғлиғини мустаҳкамлашга кўпроқ эътибор қаратиладиган бўлди, тиббий муассасаларнинг иш фаолияти ва тузилмаси камолотга эришиши йўли орқали, тиббий ходимларнинг малакаларини ошириш, тиббий ёрдамни яхшилаш учун шароитлар яратилди.

Республикаимизда охирги йилларда қатор қонунлар, Фармонлар, Қарорлар, Буйруқлар қабул қилинди. Соғлиқни сақлашни такомиллаштиришга, аҳоли соғлиғини мустаҳкамлашга ва фаол умр кўришни узайтиришга қаратилган кўплаб дастурлар тасдиқланди.

8 декабрь 1992 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 40 моддасида «Ҳар бир фуқаро малакали тиббий ёрдам олиш ҳуқуқига эга» эканлиги кўрсатилган.

Республикаимиз Президенти Фармонларида 10.11.1998 й., №ПФ-2107, 27.02.2003й., №ПФ-3214, 19.09.2007й., №ПФ-3923 дан ҳамда Президент қарорларида 02.10.2007й. № 700дан, 18.03.2008й. №48дан, 13.04.2009й. №1096дан ва бошқа дастурий ҳужжатларда тиббий хизматни такомиллаштириш йўллари ва замонавий талабларга жавоб берувчи юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш йўллари ишлаб чиқилган. Юқорида айтиб ўтилган ҳужжатларга асосан буйруқлар ишлаб чиқилган, ҳамда Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва Умумжаҳон Соғлиқни Сақлаш Бирлашмаси томонидан қатор дастурлар ишлаб чиқилган ва режалар тасдиқланган. Ушбу ўқув қўлланма талабаларнинг жамият саломатлиги, соғлиқни сақлашни ташкиллаштириш ва бошқариш бўйича олган билимларига, ҳамда ҳар бир шифокорнинг эгаллаган мансабидан қатъий назар амалий ҳаётидаги учрайдиган саволларга асосланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2 октябр 2007й. №ПФ-700 қарори Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 сентябр 2007й.дан №ПФ-3923 ва 18.03.2008й.дан №ПФ48 фармонида кўра тиббий муассасалар ўз мажбуриятларига эга ва маълум бир режага асосан қурилади, барча тиббий муассасаларнинг фаолиятини бошқарувчи йўналтирувчи аъзо бўлиб Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ҳисобланади.

1. ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

1.1. 1.1. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг тузилиши

2 октябр 2007 йил №ПФ700 тасдиқланган қарорига асосан Марказий Аппарат Тузилиши, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги қарорига 1 январь 2009 йил ва иш фаолиятига асосан тузилиши:

- вазир , ва 4 вазир ўринбосарлари;
- Вазирнинг биринчи ўринбосари– даволаш-профилактика ёрдами, ташхис ва даволаш стандартларини мувофиқлаштириш ва ишлаб чиқиш, махсус ва стационар таиббий ёрдамни ташкиллаштириш, бирламчи тиббий-санитар ёрдам кўрсатиш, тиббий-ижтимоий муаммолар гуруҳлари бўлимлари бўйича бошқарувини ташкиллаштириш ва бошқариш;
- ўқув муассасаларида ва илмий ишлар бошқармаси ишиларини, илмий-тадқиқод иш фаолияти координацияси бўлимини, ўқув муассасалари бўлинмаларини иш фаолиятларини ташкиллаштириш ва бошқариш ;
- Вазир ўринбосари, Санитар-эпидемиологик назорати бош бошқармаси иш фаолиятини, санитар-гигиеник ва эпидемиологик бўлинмаларни, соғлиқ ва статистика марказларини давлатнинг бош санитар шифокори бошқаради ва ташкиллаштиради;
- Вазир ўринбосари оналик ва болаликни асраш бош бошқармаси ишини бошқаради ва ташкиллаштиради;
- Вазир ўринбосари бошқарувнинг моддий-техник базаси бош бошқармасини ривожлантириш ишларини, бухгалтерлик хисоботларни, маъмурий-хўжалик бошқармаларини бошқаради ва ташкиллаштиради

Вазирнинг 4 ўринбосарлари ва улар бошқарадиган мутасадди бошқармалар ҳамда бўлинмалардан ташқари вазир тасарруфига яна қуйидагилар тегишлидир;

- коллегия
- аттестацион текширувнинг котибияти
- ноъдавлат муассалари томонидан кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини назорат қилиш ва лицензиялаш;
- назорат инспекцияси;
- иқтисодиёт ва маблағ билан таъминлаш бош бошқармаси;

- бюджет маблағларини мақсадли сарфлашни назорати ва таҳлил қилиш;
- Соғлиқни сақлаш тизимидаги маблағлар билан таъминланганлик ҳамда ривожланишни олдиндан айтиб бериш бўлими;
- ходимлар бўлими;
- бошқарув остидаги аппарат;

Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги Республика миқёсида бошқа бир қатор вазифалар қаторида тиббий ходимларнинг касбий билимлари ошириш билан ҳам шуғулланади. Буларга ўқув курсларини ташкиллаштириш, малака ошириш бўйича цикллар, коллегия кенгашлари, маслахат йиғилишлари, съездлар, конференциялар, давлатлараро ташкилотлар ЮНЕСКО, ЮНИСЕФ, БЖССТ ва б. иштирокидаги анжуманлар жорий қилиш киради.

1.2. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига қарашли тиббий муассасалар

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги қарамоғига тегишли:

- Республика шошилинич тиббий ёрдам маркази ва унга тегишли туман филиаллари, ҳамда туман касалхоналарининг шошилинич тиббий ёрдам кўрсатиш бўлимлари;
- 29 Республика даволаш-профилактика муассасалари,
- 13 вилоят кўп тармоқли тиббий марказлари ва 13 вилоят кўп тармоқли болалар тиббий марказлари,
- 197 туман(шаҳар)тиббий бирлашмалари (марказий, туман поликлиникалари ва марказий туман шифохонаси), туман диспансерлари ва бошқа тиббий муассасалар.
- 10 Республика иқтисослаштирилган марказлари, 217 туман иқтисослаштирилган шифохоналари, туман тиббий муассасалари билан боғлиқ бўлган туғруқ мажмуалари, диспансерлар.
- 9 олий маълумот муассасалари, олийгоҳлар қошидаги лицейлар ва 81 ўрта тиббий ходимларни тайёрловчи коллежлар.
- Саломатлик ва тиббий статистика институти ҳамда унинг 154 филиаллари;

- ОИТС га қарши кураш бўйича Республика маркази, 197 туман(шаҳар) тиббий муассасалари ва кабинетлари билан боғлиқ бўлган 14 туман марказлари билан биргаликда.,
- Гематология ва қон қуйиш ИТИ тузилишига кирувчи қон хизмати ва унга тегишли 16 вилоят қон қуйиш станциялари;
- Республика давлат санитар-эпидемиологик назорат маркази, 14 туман марказлари, 1 марказ Тошкент шаҳрида ва туман(шаҳар) тиббиёт муассасалари билан алоқада бўлувчи 197 туман ДСЭН марказлари.
- шахсий тиббий муассасалар.
- Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги туман бошқармалари ва 197 туман(шаҳар) тиббий муассасалари орқали 3,1 мингдан зиёд ҚВПлар, бир неча ўнлаб оилавий поликлиникалар, акушерлик мажмуалари, иқтисослаштирилган шифохоналар ва диспансерлар ишини бошқаради.

2.СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИНИНГ ВИЛОЯТ БОШҚАРМАЛАРИ

2.1. Соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят бошқармалари иш фаолияти ҳақидаги умумий маълумотлар

Соғлиқни Сақлаш туман бошқармаси туман ҳокимиятида тузилиб ўз иш фаолияти давомида бевосита ҳокимиятга ва унинг ижрочи қўмитасига, ҳамда Ўзбекистон республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига бўйсунди.

Бу бошқарма туман Соғлиқни Сақлаш тизимини, туман қарамоғидаги тиббий муассасалар ишини бошқаради ва туман аҳолисига тиббий ёрдамнинг сифати ҳамда соғлиқни сақлаш тизимининг ҳолати ва кейинги ривожланишига жавоб беради.

Бу бошқарма қуйидагилардан иборат:

1. Ходимлар сектори (бошқарувчи ва инспекторлар)

2. Молиявий режалаштириш бўлими (бўлим бошлиғи ва иқтисодчилар)
3. бош мутахассислар бўлими(штатга тегиши ва штатдан ташқари мутахассислар мавжуд).
4. 2- сектор.
5. Бухгалтерия (бош бухгалтер ва бухгалтерлар).
6. Техник назорат бўлими.
7. Бош инженер (янги иншоотларнинг лойиҳаларини тузувчилар) .

2.2. Соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят бошқармалари бошлиғининг вазифалари:

- бошқарманинг фаолиятини бошқариб ва бошқармага юклатилган мажбуриятларни бошқариш бўйича жавобгар ҳисобланади;
- соғлиқни сақлашни бошқаришга қаратилган саволларни ҳал қилишни, лойиҳаларни вилоят ҳокимиятининг кўриб чиқишига олиб чиқади. ;
- ўз бошқарув соҳасидан четга чиқмаган ҳолда ҳокимият ва соғлиқни сақлаш Вазирлиги буйруқларини, ҳамда юқори турувчи давлат бошқарув органлари томонидан ишлаб чиқилган масалаларни бошқаради, уларнинг жорий қилинишини текширади, ва ҳокимиятнинг бошқа бошқарув аъзолари билан биргаликда буйруқлар ишлаб чиқади;
- бошқарув ходимларини меҳнат ҳақидаги қонунга асосан ишга олиб, ишдан четлайди;
- тасдиқланган харажатлар сметасига мос равишда пуллар билан ихтиёрий равишда бошқаради;
- соғлиқни сақлаш тизими, идорага қарашли вилоят бошқаруви тузилиш бўлинмалари ҳақида низомни тасдиқлайди;
- бўлимлар бўйича соғлиқни сақлаш тизимида ишлаб чиқилган дастурларни назоратни ўрнатади;
- соғлиқни сақлаш тизими ишчиларининг меҳнат ва касбий интизомни бузилиши ҳолатларида маъмурий санкциялар қўлланилади.

2.3. Соғлиқни сақлаш тизимининг вилоят бошқармалари бошлиғи профилактика ва даволаш иши бўйича ўринбосарининг вазифалари

1. Бошқарилувчи бўлинманинг ривожлантириш бўйича мажмуа режалар ишлаб чиқишда қатнашади;
2. Вилоят даволаш-профилактика муассасаларини даврий равишда текшириш йўллари орқали, тиббий ёрдам ҳолатини ўрганади.
3. Идораларга қарашли ва Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига қарашли муассасалар ҳамда ташкилотлардан, бошқарувчи хизматлардан олинган статистик маълумотларни таҳлил қилади ва уларни аҳоли тиббий-профилактика ёрдамини ташкиллаштиришни белгиланган тартибда ташкилотларнинг бошқаруви ва иш фаолиятини ривожлантиради. Даволовчи-профилактика муассасаларнинг даволаш-маслаҳат ёрдамини ташкиллаштиради.
4. Алоҳида мутахассислар ва даволаш-профилактика муассасаларининг илғор иш тажрибаларини ўрганади, умумлаштиради ва тарқатади.
5. Далиллий тиббиётга асосланган ҳолда фан, илм, техника ютуқларини даволаш-профилактика муассасаларига айниқса аҳоли орасида аёллар ва болаларнинг касалликларини профилактика, диагностика ва даволашни ўз вақтида қўллашни ва жорий қилишни қўллайди.
6. Анжуманлар, семинарлар ва бошқалар орқали шифокорлар ҳамда ўрта тиббий ходимларнинг малакаларини ошириш бўйича келажак режаларни ривожлантиришда иштирок этади.
7. Даволовчи-профилактик муассасаларнинг замонавий асбоб-ускуналар, аппаратлар, дори-дармонларга бўлган эҳтиёжни ўрганади.
8. Аёлларга ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамнинг сифатини ва муассаса устидан тушувчи шикоятларнинг сабабларини ўрганади ва уларни бартараф этади.
9. Аҳоли соғлиғини яхшилашга қаратилган дастурларни назорат қилади.
10. Вилоятнинг идорага қарашли ва бош мутахассисларнинг иш фаолиятларини бошқаради.

Вилоятнинг соғлиқни сақлаш бошқармаси даволаш ва профилактика ишлари бўйича бошлиқ ўринбосарининг ҳуқуқлари :

1. Даволаш-профилактика муассасалари ишларини текширишда қатнашиш ва уларнинг иш фаолиятларини яхшилаш мақсадларида чора-тадбирларни ишлаб чиқиш.
2. Даволаш- профилактика муассасаларининг умумий ва ихтисослаштирилган тиббий ёрдам фаолияти даражасини кўтаришга қаратилган чора-тадбирларни вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси, ҳамда уларга бўйсинувчи муассасалар ихтиёрига тақдим этиш.
3. Тиббий ёрдам сифатини юқори кўрсаткичларга кўтариш мақсадида бошқарув рухсати билан мутахассислар ва илмий тиббий бирлашмалар билан маслахатлашиш, кенгашларда илмий, ташкилий ва услубий саволларни ҳал қилиш.
4. Даврий равишда ўз билимларини ва профилактика ҳамда даволаш билан шуғулланувчи тиббий ходимларнинг малакалари ва билимларини ошириб туриш, бу ишнинг усули, шакли ва услубларини яхшилайти. Аҳоли орасида тиббий илм ва соғлиқни сақлашнинг ютуқларини далилий тиббиётга асосан фаол тарғибот қилиш.

2.4. Вилоят бош педиатри вазифалари

- бошқарувчи бўлимнинг ривожланиши ва такомиллашувига оид йиғилган дастурлар ва режалар ишлаб чиқишда қатнашиш;
- даволаш-профилактика муассасаларини даврий равишда шахсий текширувлар орқали соғлиқни сақлаш тизимини ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳолатини ва сифатини ўрганиш;
- Идорага қарашли муассасалардан, соғлиқни сақлаш тизимидаги муассасалардан бошқарма орқали олинган, болалар касалланиши, гўдаклар ва болалар ўлими кўрсаткичларининг статистик маълумотларни таҳлил қилади, бу маълумотларга асосланиб даволаш-профилактика муассасаларини даволаш ишлари бўйича болалар аҳолисига кўрсатиладиган тиббий ёрдамни яхшилаш;

- болаларга даволаш-профилактика муассасаларидаги даволаш-маслаҳат ёрдамини ташкиллаштириш;
- болалар саломатлиги бўйича даволаш-профилактика муассасалари ва болалар ҳамда гўдаклар ўлими кўрсаткичлари бўйича тажрибаларни ўрганиш, умумлаштириш ва тарқатиш;
- вилоятдаги даволаш ва профилактика муассасаларига бутунжаҳон илм ютуқларини, далилларга асосланган тиббиётнинг тажрибаси, иш олиб бориш услубларини болалар касалликларининг профилактика, диагностика ва даволаш ишларига сингдириш;
- умумий амалиёт шифокорлари ва ўрта тиббий ходимларнинг малакаларини ошириш бўйича келажакка бўлган режаларни ишлаб чиқишда қатнашиш;
- болалар даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармонлар билан ҳамда тиббий асбоб-ускуналарга бўлган эҳтиёжни ўрганиш;
- аҳоли томонидан болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам ҳамда тиббий ёрдамнинг сифати юзасидан муассаса устидан тушган шикоятларнинг сабабларини ўрганиш ва уларни бартараф этиш чора тадбирларини ишлаб чиқиш.

Бош педиатр ҳуқуқлари:

- болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи болалар даволаш-профилактика муассасаларини(поликлиника, МББМ, ҚВП, шифохони ва б.) текширишда иштирок этиш ва уларнинг ишларини яхшилашга чора тадбирлар тайёрлаш;
- вилоят даволаш-профилактика муассасалари иш фаолияти, иқтисослаштирилган болалар тиббий ёрдами даражасини кўтариш бўйича таклифларни вилоят соғлиқни сақлаш тизими бошқармасининг ҳамда унга қарашли муассасаларнинг қарамоғига олиб чиқиш;
- болалар аҳолиси орасида тўғри турмуш тарзини тарбиялашга оид ишларда фаол иштирок этиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг « худудий соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг ташкилий тузилиши ва такомиллашуви чора тадбирлари тўғрисида» қарорига асосан 18.03.2008 й. № 48 тиббий муассаса тузилмалари ва қарорлари тасдиқланган .

Туман Соғлиқни Сақлаш тизими вазифалари

Туман аҳолисининг соғлиғини сақлаш бўйича барча чораларни ривожлантириш йўллари, туманлар шароитларини ҳисобга олган ҳолда туман аҳолисининг соғлиғини мустаҳкамлашга қаратилган Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ишлаб чиққан дастурларни Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси тасдиқлаган фармонларини бажариш лозим.

Юклатилган вазифаларга мувофиқ қуйидагилар ҳал қилинади:

- аҳолининг соғлиғи ҳолатини ўрганади, туман ва шаҳарлар Соғлиқни Сақлаш бўлимлари маълумотларини таҳлил қилади, жойлардан тушган таклифларни инобатга олган ҳолда касалликларни олдини олиш, касалланиш кўрсаткичини пасайтириш, ногиронлик ва ўлимни камайтириш, кейинчалик аҳолининг актив ҳаётини узайтириш бўйича тадбирларни ишлаб чиқади. Соғлиқни сақлашнинг алоҳида йўналишлари бўйича вилоятлар ва туманларга мос дастурлар ишлаб чиқади, ижтимоий касалликларга, оналик ва болаликни асрашга алоҳида эътибор қаратади;

- бошқарма ва муассаларни малакали ходимлар билан таъминлайди, ходимларнинг малакаларини ошириш ва ўқитишни таъминлайди, ходимларнинг ишларига виждонан тўғри тарбиялаш ва ДПМ даги меҳнат интизомига риоя қилиш бўйича иш олиб боради. ;

- аҳолига тиббий-профилактик ёрдамни таъминлаш бўйича вилоят соғлиқни сақлаш муассасаларига методик ҳамда ташкилий қўлланмалар яратиш; малакали тиббий ёрдамнинг аҳолига яқинлашуви ва камолоти учун ривожлантирувчи тадбирларни ижро этади;

- Вилоят соғлиқни сақлаш муассасалари иши устидан назорат қилади. Оналик ва болаликни асраш, меҳнат шароитларини яхшилаш, аёлларнинг яшаш тарзи ва дам олиш шароитларини яхшилаш, болалар ва ўсмирлар орасида чиниқтирув муолажаларни ўтказиш бўйича ишларни ташкиллаштириш; болаларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари истеъмол қилишни ва маҳсулотларни сотиш бўйича саволларни ҳал қилиш, ҳамда мактабгача болалар таълим муассасалари ва ўқув

муассасаларида қай бир идора бошқарувида бўлишидан қатъий назар болаларнинг соғлиқларини назорат қилади;

- ишчи ва деҳқонларнинг қисқа муддатга меҳнат қилишга лаёқатлилигининг йўқолиши ва ходимларнинг касалланишини ўрганади, ҳамда мос келувчи корхоналар билан биргаликда касалланиш кўрсаткичини пасайтириш бўйича тадбирлар ишлаб чиқади;

- даволаш-профилактика муассасаларида қисқа муддатли ишга яроқсизлик бўйича экспертиза ташкил қилади, қабул қилинган қўлланмаларга асосан ишчиларга касаллик варақалари берилишини уюштиради;

- қонунга мос равишда ишга киришдан олдинги ва иш фаолияти давомидаги даврий тиббий кўрикларни ҳамда даволовчи тиббий кўрикларни уюштиради;

- муассаса ва идораларда, ишлаб чиқарувчи корхоналарда санитар-эпидемиологик меъёрларни қасаба уюшмаларини тармоқлари билан биргаликда санитар-эпидемиологик хизмат орқали назорат қилади;

- меҳнат қўмитаси ва социал ҳимоя билан биргаликда меҳнатга лаёқатлилигининг турғун бузилиши сабабларини ўрганади;

- даволаш-профилактика муассасаларидан ВТЭК га юборилган беморларнинг йўлланмаларининг асосларини текширади;

- меҳнатга турғун лаёқатсизликни йўқотиш мақсадида касалларнинг соғлиқларини тиклашга қаратилган даволаниш муолажаларини ташкиллаштиради;

- ногиронларни тиббий ва меҳнат реабилитациясини, ҳимоя ва қизиқувчи муассаса, корхона ҳамда бирлашмалар билан биргаликда амалга ошириш;

- санитар-эпидемиологик хизматни қай бир муассасага қарашлилигидан қатъий назар давлат томонидан ўрнатилган тартибда санитар назорат қилиш ва методик бошқаришни уюштириш, туманнинг тегишли санитар ҳолати юзасидан чоралар кўриш, аҳоли ўртасида тиббий илмий ва гигиеник тарғибот ишларини ташкиллаштиради, аҳолини соғлом турмуш тарзига ўргатади;

- барча муассаса, корхона ва бирлашмаларнинг соғлиқни сақлашга қаратилган тадбирларни ўтказиш ишлари фаолиятини, аҳолининг санитар-эпидемиологик

ҳолати бўйича, инфекцион касалликларни олдини олиш бўйича ишларни мувофиқлаштиради ва назорат қилишда қатнашади;

- туман ҳудудида эпидемик касалликларни тарқалиши ва уларнинг тарқалишига ҳавф ёки эпидемик касалликлар тарқалиши ҳолатларида белгиланган тартибда бошқаради, бу касалликларнинг тарқалмаслигини олдини олишга қаратилган ҳамда йўқотишга қаратилаган ўзига хос шароитларда меҳнат фаолияти йўлидаги ҳаракатланишни бошқаради;

- соғлиқни сақлаш муассасаларини ривожлантириш ва қайта тиклашга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, моддий техник базасини мустаҳкамлаш, қишлоқ ёрдамчи хўжаликларини ривожлантириш ишларини бажаради;

- далилларга асосланган тиббиётни қўллаган ҳолда фан, илм, техника ютуқларини даволаш-профилактика муассасаларига ўз вақтида қўллашни ва жорий қилишни таъминлайди;

- даволаш-профилактика муассасаларининг аҳолисини дори-дармонлар билан ҳамда тиббий асбоб-ускуналар билан таъминлашда қатнашади, бор дори-дармонлар ҳақидаги маълумотлар билан шифокорлар, бошқа тиббиёт ходимларини маълумотлар билан таъминлашни ташкиллаштириш;

- ташқи муҳитни соғломлаштириш қоидаларига риоя қилиш, сув хавзаларини санитар қўриғи, тупроқ, атмосфера ҳавосини вилоят санитар-эпидемиологик станция орқали давлат назоратини ташкиллаштиради;

- шаҳарлар, бошқа аҳоли яшовчи пунктларда, масканлар ва умумий аҳоли турар жойларида шовқин-суронларни камайтириш ва йўқотишга қаратилган чора тадбирларни ташкиллаштиришда иштирок этади;

- курортлар санитар округлари қўриқлаш чегараларини белгилаш саволларини ҳал қилишда ва уларнинг тартибларини белгилашда қатнашади.

- жисмоний тарбия ва спорт билан шуғулланувчи кишилар соғлиқларига қаратилган тиббий назоратни ҳамда, аҳоли орасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга ёрдам;

- суд-тиббӣй ва суд-психиатрик экспертизалари муассасалари ишини ташкиллаштиради;

- вилоят, шаҳар худудида фуқаролар муҳофазаси бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;

- соғлиқни сақлаш тизими ва унга тегишли бўлмаган муассасаларда молиявий-режали ишни ташкиллаштиради, қатор соғлиқни сақлаш тизими муассасаларининг келажак ва йиллик режаларни тузадилар, вилоят бюджетида турувчи ташкилотларнинг штат ва смета жадвалларини тузадилар ва уларни маблағ билан таъминлайдилар;

- идорага қарашли бўлган муассаса ва ташкилотларда бирламчи ҳисобни ташкиллаштиради ва статистик ҳамда бухгалтерлик ҳисоботларни ташкиллаштиради, жамловчи бухгалтерлик ҳисоботларни ва мувозанатларни тузади.тегишли муассасаларга бу маълумотларни тақдим этадилар;

- идорага қарашли бўлган ташкилотларни ва муассасаларни даврий текшириш ва қайта кўриб чиқиш, ижтимоий мулкни асрашга қаратилган чора-тадбирларни ташкил этади;

- қўшилган капитал маблағларнинг сарфланишини самарасини таъминлайди, янги иншоотларни барпо қилишни, жойлашувини ва ўз соҳасига тегишли бўлган капитал қурилиш ва таъмирлашга қаратилган масалаларни ҳал қилади.;

-идорага қарашли бўлган муассаса ва корхоналарнинг моддий-техник таъминотини таъминлашни ташкиллаштиради, ажратилган фондлар ва уларнинг ишлатилиши бўйича назоратни амалга оширади ;

- вилоят аҳолисидан келиб тушган таклифлар, аризалар ва шикоятларни кўриб чиқишни ва ҳал қилишни ташкиллаштиради, шикоятларни келтириб чиқарувчи сабабларни йўқотишга қаратилган чораларни кўради.;

- соғлиқни сақлашга ҳақидаги қонунларни аҳолига тушунтириш бўйича ишларни ташкиллаштиради;

-ҳар ойда вилоят йиғилишлари, конференциялар ва семинарлар ўтказиб, уларда муҳим масалалар ҳамда соғлиқни сақлаш тизимидаги янгиликларни жорий қилиш ҳақидаги саволлар муҳокама қиладилар, Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ва

Олий ўқув юртлари билан, ҳамда хорижий давлатлар билан алоқаларни доимий тутиб туради;

- Ўзбекистон Республикаси маслаҳат кенгашларида қатнашади;

- Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига ҳамда Соғлиқни Сақлаш Вазирлигига тегишли қарорлар, қонунлар ва фармонлардан келиб чиққан ҳолда қўшимча тадбирларни ўтказди

3. Кўп тармоқли тиббий марказ ҳамда болалар кўп тармоқли маркази.

3.1. Кўп тармоқли тиббий марказ ҳамда болалар кўп тармоқли марказлари иш фаолияти ҳақида умумий маълумотлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 19 сентябр 2007 йил №ПФ 3923 «Соғлиқни сақлаш давлат дастурини ривожлантириш ва реформаларни чуқурлаштириш бўйича кейинги йўналишлари ҳақидаги фармони»га асосан вилоят шифохоналари қошида ҳамда вилоятнинг бошқа иктисослаштирилган болалар шифохоналаринг ўлимларида ташкиллаштирилади. Аҳолига юқори малакали стационар, амбулатор ва маслаҳат-ташҳис хизмат кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасаси бўлиб ҳисобланади.

2. Марказ давлат муассасаси стандартида яратилади, ўзи мустақил юридик юз ҳисобланиб, ўз мустақил балансига, гербли муҳрига, банклардаги ҳисоб рақамларига ва бошқа иш жараёнидаги керакли ҳужжатларга эга.

Марказ - тиббий ва фармацевтик ходимлар учун ўқув малака ошириш базаси ҳисобланади.

3. Марказ ўз иш фаолияти давомида Ўзбекистон Республикасининг президенти фармонлари, буйруқлари, Ўзбекистон республикасининг қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг фармонлари ва қарорлари, Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг буйруғи актларидан фойдаланилади.

II. МАРКАЗЛАРНИНГ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИ

4. Марказни тузишда мақсад ва вазифалар қуйидагилардан иборат:

Болаларнинг кўп тармоқли тиббий марказларида аҳолининг катта ёшли ва болаларга асосий тиббий йўналишлар бўйича (режали жарроҳлик, терапия, кардиология, оториноларингология) малакали тиббий ёрдамга, диагностикадаги, даволаш ва профилактикага бўлган эҳтиёжларини қондириш;

Вилоятнинг болалар тиббий марказларига тиббиётнинг янги технологияларини, усулларини киритиш ва қўллаш бўйича методик таминлаш .

5.Марказнинг асосий вазифалари:

Катталарнинг марказларида –катталарга, болаларникида-18 ёшгача бўлган болаларга юқори малакали тиббий ёрдамни ташкиллаштириш ва касалларни текшириш.;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш Вазирлиги тасдиқлаган клиник стандартларга асосланиб касалларга юқори малакали тиббий ёрдам кўрсатиш;

Туман(шаҳар) тиббий бирлашмаларидаги ходимларига маслаҳат ва ташкилий услубий ёрдамни кўрсатиш;

Даволаш-профилактика муассасаларининг амалиётига янги тиббий технологияларни ва бошқаришнинг иқтисодий усулларини киритиш ;

Катталар ва болалар марказлари ходимларини ўқитиш, малакаларини ошириш ва қайта ўқитиш ишларида қатнашиш;

Даволаш муассасаларида даволаш-диагностика ишлари сифатини экспертиза қилиш;

Аҳолининг умумий касалланиши, ўлими, ишга вақтинчалик лаёқатсиз бўлиши ва ногиронликларини ўрганиш (катталар ва болалар марказларида);

Катталар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамни мақсадли дастурларини ишлаб чиқиш ва қўллаш.

III. МАРКАЗЛАРНИНГ БУРЧ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

6. Қонунга мос равишда ўз олдига қўйган мақсадларни амалга ошириш учун марказ қуйидаги ҳуқуқларга эгадир::

унинг ҳисобига ўтган давлат мулкани ишлатиш ва бошқариш ;

асосий мулкларни ижарага олиш, бериш ва кредитлар олиш, грантлар, кредитлар, қарзлар ва б. ларни олиш ва бериш ;

марказнинг ходимларига бериладиган ойлик маошалари катталиклари, моддий рағбатлантириш ва пуллик тиббий ёрдамнинг самараларини ўзи мустақил белгилаши;

илмий тадқиқодларни қилиш мақсадидаги давлат грантларини олиш бўйича мусобақаларда иштирок этиш;

катталар ва болалар марказларидаги хўжалик фаолиятларини юритишда интеллектуал мулкка бўлган муаллифлик ҳуқуқларини олиш ва ишлатиш

Ўзбекистон Республикасининг қонунларига ва давлатлараро шартомаларга асосан чет эл юридик юзлари билан илмий ва илмий –техник ҳамкорликни амалга ошириш;

Марказнинг ишига, қонунларига зид келмаган бошқа фаолиятларни амалга ошириш .

7. Марказ Соғлиқни сақлаш Вазирлиги билан келишилган ҳолда кўрсатадиган пуллик тиббий ёрдамга ва бошқа қиладиган ишларига нарх навони қўйиш ҳуқуқига эга

8. Марказлар қуйидаги мажбуриятларни бажаришлари лозим:

Аҳолига малакали юқори сифатли тиббий ёрдам кўрсатиши керак:

Давлат томонидан мухтожларга, имтиёзларга эга аҳоли қатламига бепул амбулатор ёрдам кўрсатиш;

Имтиёзларсиз бўлган Ўзбекистон Республикаси аҳолиси ҳамда фуқаро бўлмаган, чет эл фуқароларига тўлов асосида;

Диагностика ва даволаш стандартларига мос равишда тиббий ёрдам бериш;

Вилоят тиббий-профилактика марказлари ҳамда бошқа тиббий муассасалар ходимларининг ўқишини, қайта ўқишини ва малака оширишларини доимий таъминлаш;

Олдинда турган тиббий муассасаларнинг иш тажрибаларини ўрганиш, умумлаштириш ва амалиётга татбиқ қилиш;

Марказ ходимларига меҳнатни ташкиллаштириш ва ҳақ тўлаш, ёнғин хавфсизлитгини таъминлаш, ижтимоий таъминот ва химояларни қонунларига мос равишда кафолат бериш;

Марказнинг моддий техник базасини тиббий техника ва тиббий технологиялар билан ривожлантириш ва мустахкамлаш;

Мулкларни мақсадли ишлатиш ва унинг сақланишини таъминлаш;

Қонунларга мос равишда бухгалтерлик ва статистик ҳисоботларни олиб бориш.

МАРКАЗНИНГ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШ

- Марказни бошқаришни Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазيري томонидан ишга олинадиган ва озод этиладиган, ҳокимнинг алоҳида белгиланган бошқарма ҳудудидаги кўрсатмасига асосан бош шифокор амалга оширади.

- Бош шифокор ўринбосарларга эга. Марказ бош шифокори Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазيري билан келишилган ҳолда ўринбосарларини ишдан олади ва ишга тайинлайди.

- Марказ бош шифокори белгиланган тартибда Марказнинг иш фаолиятини бошқаради,

- Марказдаги ишларни ташкиллаштиради, марказ номидан ўзи ишончномасиз барча муассасаларда марказ қизиқишларини намойиш этади, Марказнинг

мулкини бошқаради, шартномалар шу жумладан меҳнат шартномалари тузади, банкларда ҳисоблар очади, ишончномалар беради, моддий жиҳатдан маблағларни бошқаради, штатларни тасдиқлайди, буйруқлар ишлаб чиқади ва Марказнинг иш фаолияти давомидаги натижаларга ўзи мустақил жавобгар шахс ҳисобланади .

- Марказнинг бош шифокори йўқлиги ҳолатларида унинг вазифаларини ҳудудий соғлиқни сақлаш тизими бошқармаси билан маслаҳатлашган ҳолда ўринбосарларидан бири бошқаради.

V. МАРКАЗНИНГ МОДДИЙ ХЎЖАЛИК ФАОЛИЯТИ

- Марказнинг моддий хўжалик фаолияти қонунга мос равишда амалга оширилади.

-Марказ ўз фаолиятига мос равишда ўз мулкини бошқаради, ишлатади ва эғалик қилади, шу билан бир қаторда бюджет ҳамда бюджетдан ташқари маблағларни самарали сарфлашини таъминлайди.

- Марказнинг мулки асосий жамғарма ҳамда бошқа моддий қимматликлар ва моддий ресурслардан иборат.

- Марказ шартнома асосида ишлатилмайдиган хоналарни ижарага бериб улардан чиққан маблағларни Марказнинг ривожланишига сарфлаш ҳамда қонунда кўрсатилган тартибда Марказ балансидаги мулк ва асбоб-ускуналарни ҳисобдан чиқариш ҳуқуқига эга .

- Марказнинг моддий таъминоти давлат ҳамда бошқа қонунга ҳилоф бўлмаган нодавлат ташкилотлари маблағлари ҳисобланади.

- Марказнинг моддий таъминоти давлат бюджетидан қонун доирасида тасдиқланган сарф-харажат таҳлилларига асосан ҳудудий хазиналар орқали амалга оширилади.

VI.ҚАЙД ВА ҲИСОБОТЛАР

- Марказ қонунга мос равишда бухгалтерлик қайдларни ва ҳисоботларни олиб боради, ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси статистика давлат комитетига ва соғлиқни сақлаш Вазирлигига тақдим этади, муҳокама қилинган рўйхатларга асосан ҳужжатларни сақлаш ва топширишга жавоб берадилар

- Марказнинг моддий-хўжалик ишлари бўйича текширишлар ва назоратни соғлиқни сақлаш органлари ҳамда молия, моддий органлар, шартномалар асосида бошқа давлат муассасалар томонидан амалга оширилади.

- Марказ приватизация ва сотиб олинишга лаёқатли эмас.

- Марказ реорганизацияси ва ликвидацияси қонунга мос равишда олиб борилади.

2. Вилоят кўп тармоқли марказ бош шифокорининг вазифалари

1. Бош шифокор вилоят болалар марказини маҳаллий аҳолига таянган ҳолда ҳолис ўзи бошқаради: марказнинг даволаш-профилактика, ташкилий-услубий, бошқарув-хўжалик ва моддий таъминоти ишларига жавоб беради.
2. Бош шифокор лавозимига малакали мутахасис шифокорларлардан тайинланади. У даволаш ва ташкилий ишларда керакли тажрибага эга ва вилоят соғлиқни сақлаш бошқармаси томонидан ишга олинади ва ишдан четлатилади.
3. Вилоят болалар марказининг бош шифокори ўзига қарашли соғлиқни сақлаш органларига бўйсунди.
4. Вилоят болалар марказининг бош шифокори марказ ҳақидаги низомга, соғлиқни сақлаш органлари ва юқори турувчи органларнинг қарорлари, қонунлари ва қоидаларига асосан иш фаолиятини олиб боради

А. Бош шифокор марказнинг асосий вазифаларига асосланиб, қуйидагиларга йўналтирилган тадбирларни ишлаб чиқаради ва амалга оширади:

- Вилоят болалар аҳолисини тиббий хизмати бўйича сифатни ва иш маданиятини ошириш бўйича, юқори малакали стационар ва поликлиник(маслаҳат) тиббий хизматларини амалга ошириш;
- болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи қишлоқ ва шаҳар даволаш-профилактика муассасаларининг ташкилий-услубий даражасини ошириш;
- болаларга тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббий ходимларнинг малакаларини доимий ошириш бўйича шуғулланади

Б. Ташкиллаштиради:

- вилоятдаги болаларнинг касалланиш, болалар ва гўдақлар ўлимини сабабларини ўрганиш, кўп тарқалган болалар касалликларини камайтиришга ва кейинчалик йўқотишга қаратилган чора тадбирларни ишлаб чиқади,; ҚВП ва ТМК ларда болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдамни сифатини ошириш бўйича ишларни ;
- Вилоятдаги қишлоқ ва шаҳар даволаш-профилактик муассасаларнинг шифокор умумий педиатрлари ва ўрта ходимларни малакаларини ошириш бўйича чора тадбирларни ишлаб чиқади;
- Вилоят, Республика, хорижий мамлакатларнинг болаларга кўрсатадиган тиббий ёрдамни даволаш-профилактик муассасалардаги тиббий хизматни даражасини ошириш ва ўрганиш, умумлаштириш ва янги тиббий маълумотларни тарқатиш ишларини ;

В. Таъминлайди:

- марказнинг барча структур бўлинмалари орасидаги аниқ ташкилий бўлиш ва ишлардаги ташкилий ҳамда ишлардаги боғлиқликни таъминлаш:
- болалар аҳолисига даволаш-профилактик ёрдамни кўрсатиш бўйича туманларнинг, вилоятлараро тиббий муассасалар орасида режавий-маслаҳат ишларини йўналтиради;
- далилларга асосланган тиббиётнинг натижалари ва касал болаларни даволаш , вилоят болалар марказлари иш фаолиятларига замонавий профилактика, диагностика ва даволаш нинг усулларини ўзлаштириш ва иш фаолиятларига кенг қўллаш

- вилоят болалар тиббий марказида касал болаларнинг парвариши ва тиббий хизмат кўрсатиш бўйича ташкилий шаклларнинг ва иш услубларининг ривожланиши ҳамда такомиллаштирилиши;
- ишчи ходимларнинг аризаларини, шикоятларини ва таклифларини ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларнинг ҳар бирини амалга ошириш учун назорат олиб бориш;
- стационар ва поликлиникаларда барча ҳолатларни ўз вақтида аниқлаш ва текшириш (тўсатдан ўлим, ўз вақтида кўрсатилмаган тиббий ёрдам, ички инфекциялари, авария ҳолатлари ва б.); юқори органларга текширув натижалари ва аниқланган ҳолатлар бўйича бажарилган ишларни белгиланган вақт оралигида ҳисобот бериш ;
- Марказнинг фаолияти ҳақидаги йиллик ва кварталлар бўйича бўлган статистик, молиявий, хўжалик ишлари бўйича бўлган ҳисоботларини, бюджети ҳақидаги маълумотларни сифатли тайёрлаш ва юқори турувчи муассасаларга тақдим этиш.
- доимий равишда ўз иш фаолияти ҳақида юқори турувчи соғлиқни сақлаш органларига, маҳаллий муассасаларга ва аҳолига ҳисобот бериш;
- маҳаллий кенгаш ишида ва унинг иши учун керакли шароитлар яратишда доимий иштирок этиш .

Вилоят болалар марказлари иш фаолиятининг сифатини ва иш маданиятини оширишга қаратилган фаолиятларни кенг қўллашга қаратиш ва моддий-техник базани мустаҳкамлаш;

Г. Жавобгар:

- ҳозирги давр талабларига мос ривожланган фан ва техника даражасида марказда болаларни текшириш сифати , даволаш ва парвариш сифатларига ;
- марказдаги бор куч ва хизматларнинг тўғри сарфланишига: асосий жамғарма (иншоотлар, асбоб-ускуналар ва б.) тиббий анжомлар ва тиббий ходимлар;
- касал болаларни текшириш ва даволашга қаратилган ишларнинг сифатини кўтариш, болалар тиббий кўриклари сифатларини кўтаришга ва ўз вақтида янги очилган резервларни топиш ва қўллашга;
- фуқаролар муҳофазаси ва бошқа махсус буйруқларни бажаришга шифохонанинг тайёргарлигига ;

- марказнинг моддий-техник базасини яхшилашга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишга (таъмирлаш ишларини амалга ошириш, янги жиҳозлар билан таъминлаш, тиббий анжомлар ва дорилар билан таъминланганлик);
- молиявий маблағларни, доривор моддаларн ва б. маҳсулотларни тежамли ва мақсадли;
- қўлланилган йўриқномага асосан касаллик варақаларини сақлаш ва рўйхатига олишни ташкиллаштиришга;
- марказ ва унинг худуди атрофини кўкаламзорлаштириш ва ободонлаштиришга;
- ёнғин ҳавфи туғилганида касалларнинг тасдиқланган эвакуация режаси бажарилиши ва ёнғин олдини олиш тадбирларини бажарилишининг назоратига.

Д. Вилоят болалар марказининг бош шифокори қуйидаги ҳуқуқларга эга:

- ходимларни ишга олиш ва ишдан озод қилиш;
- ходимларни рағбатлантириш ва уларга жарима солиш;
- қарор ва буйруқлар чиқариш;
- Ҳукумат органларида, суд, жамоат ва бошқа ташкилотларда марказ вакили сифатида иштирок этиш;
- марказ номидан қонун доирасидан чиқмаган ҳолда кредитлар олиш ва бериш, шартномалар тузиш, мажбуриятларни зиммасига олиш ва бошқа ҳаракатлар қилиш;
- зарурият туғилганида вилоят болалар маркази мутахассис-шифокорларини даволаш профилактика муассасаларидаги ишларни ташкиллаштириш ва диагностика, даволаш, профилактиканинг янги усулларни ўзлаштиришда амалий ёрдам бериш мақсадида туманларга юбориш;
- Соғлиқни сақлаш мутасадди органлари билан келишилган ҳолда бош шифокорларни, туман тиббий бўлимлари бош шифокорларини, қишлоқ врачлик пунктлари бошлиқларини, ҳамда бош (катта) хамшираларни вилоят болалар марказига ишларни ташкиллаштириш, шифохонани бошқариш, хўжаликларини юритиш бўйича қисқа муддатли малака ошириш ўқишига жалб этиш ;
- Шифохонанинг ички тартиб-қоидаларини бузганлиги туфайли беморга шифохонадан муддати чиқмаган ҳолда жавоб бериш.;

-Айрим ҳолатларда истисно тариқасида паталогоанатомик ёришни ўтказмасликка рухсат бериш;

- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан тасдиқланган ва фармакология коммитети кўриб чиққан дори моддалари билан даволашнинг янги усуллари қўллашга рухсат бериш, ҳамда далилларга асосланган тиббиёт таклифларига ва фармакологик комитет қарорига асосан.

Е. Вилоят болалар марказининг бош шифокори мажбуриятлари :

-юқори ташкилотларнинг буйруқ, қарор, йўриқ-услубий топшириқларни етказиш ва уларнинг ўз вақтида бажарилишини таъминлаш;

- янги усуллар, профилактика воситалари, ташхис ва даволаш ҳамда илғор, энг яхши даволаш-профилактика муассасаларнинг тажрибаси ва далилларга асосланган тиббиёт тавсифлари билан таништириб бориш;

-касал болаларга хизмат кўрсатишда стационар ва поликлиника (маслахатхона) орасидаги ҳамкорликни таъминлаш ҳамда қисқа муддатда болаларни маслахат поликлиникаларида текширувдан ўтказиш;

-текширувдан ўтказиш сифатини, даволаш ва стационардаги болаларга шароит яратиш ҳамда хизмат кўрсатаётган тиббий ходимларни ҳаракатларини доимий назорат қилиш.;

- марказ иш режасини тузиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

- қуйидагиларни кўриб чиқиш ва тасдиқлаш:

- марказнинг тузилма бўлимлари иш режаларини;

- стационар ва поликлиникалардаги шифокор- ординаторларнинг иш жадвалини ;

-марказнинг ички тартиб қоидалари ҳамда тиббиёт ходимларининг ҳаракатлари тўғрисидаги йўриқномаларни;

- ташкиллаштириш ва доимо ўтказиш:

- марказ ходимларининг маслахат йиғилишларини ва шифохона кенгашларини;

- навбатчилик давомида бўлиб ўтган асосий воқеалар ҳақидаги навбатчи шифокорларнинг маълумотларини эшитиш мақсадида анжуманлар уюштириш;

- стационар ва поликлиникалардаги бўлимларда, хоналар ҳамда бошқа тиббий тузилмаларда режали ва навбатдан ташқари (жумладан тунги) текширишлар ўтказиш ;

- ўринбосарларининг ва тиббий тузилма бошлиқларининг ўтказган ишлари тўғрисидаги ҳисоботларини эшитиш

Бош шифокор йўқлигида унинг вазифаларини ўринбосарларидан бири (поликлиника бўйича КТБКВТМ ўринбосари). КТБКВТМ нинг асосий бўлимларидан бири поликлиника бўлими ҳисобланади.

Кўп тармоқли болалар консультация поликлиникаси вилоят тиббий маркази

- замонавий илмий-амалий тиббиёт эришган ютуқларига асосланган ҳолда вилоят ва туманлар даволаш-профилактика муассасаларидан ташхисни аниқлаш ва тасдиқлаш учун юборилган касалларга юқори сифатли шифокор-маслаҳат ёрдамини кўрсатади ва уларнинг кейинги даволаниши ҳақидаги масаласини ҳал қилади ;

- вилоят туманларидан касалларни маслаҳат поликлиникаларига юборилиш тартиблари ва кўрсатмаларини ишлаб чиқади ва тегишли тартибда уларни юқори соғлиқни сақлаш органларига ўрганиш ва тасдиқлаш учун юборади;

- бемор болаларни даволашда маслаҳат бериш учун вилоят болалар маркази ва бошқа муассасаларнинг, жумладан вилоятда жойлашган илмий текшириш ва тиббиёт институтларининг юқори малакали мутахассис шифокорларни, жалб этади;

- Вилоят даволаш-профилактика муассасалари шифокор-педиатрлари учун сиртқи (ёзма ва телефон орқали) маслаҳатлар бериш, туманларга тез тиббий ёрдам марказлари билан ҳамкорликдаги шифокор- мутахассисларнинг жойларга чиқиб маслаҳат беришларини ташкиллаштиради;

- касал болаларга маслаҳат поликлиникасида қўйилган ташхис, ўтказилган даволаш ва кейинги даволаниш тўғрисидаги тавсифларга ва касални кузатиш асосида тиббий хулосалар беради ;

- туман миқёсида ташхисларнинг номутаносиб ҳолатлар (касални консултацияга юборган даволаш-профилактика муассасаси томонидан ва консултация поликлиникаси томонидан аниқланган ташхислар)ни ҳамда даволаш-профилактика муассасалари шифокорлари болаларни маслаҳат поликлиникасига юбориш олдидан кўриш ва даволаш жараёнида йўл қўйган хатоларини таҳлил қилади ;
- вилоят туманларида даволаш-профилактика муассасаларининг шифокорлари болаларни кўриш ва даволаш жараёнидаги йўл қўйган хатоларига ва ташхисларининг номутаносиблик ҳолатларига асосланиб, ҳар чоракда даволаш-диагностика ишининг ҳолати ва даражасига баҳо бериб маълумотнома хатларини тайёрлайди.

3.3. Кўп тармоқли болалар марказидаги даволаш-профилактика ишлари бўйича бош шифокор ўринбосарининг вазифалари

1. Вилоят кўп тармоқли болалар марказидаги даволаш-профилактика ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари болалар аҳолисига даволаш-профилактика ишларини ташкиллаштиришда тажриба ва мутахассисликка эга бўлган шифокорлардан тайинланади, мутасадди соғлиқни сақлаш органларининг кўрсатмаларига ва вилоят болалар маркази бош шифокорининг тақдимномасига кўра тасдиқланади, ишдан озод қилинади.
2. Вилоят кўп тармоқли болалар марказидаги даволаш-профилактика ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари бевосита вилоят болалар маркази бош шифокорига бўйсунди .
3. Вилоят кўп тармоқли болалар марказидаги даволаш-профилактика ишлари бўйича бош шифокор ўринбосари қуйидаги ишларни:
 - вилоят болалар маркази низомига асосан маслаҳат поликлиника ва стационар ишларини ташкиллаштиради, соғлиқни сақлаш органларининг буйруқ ва

йўриқномаларини, ҳаракатдаги қонунчиликни ҳамда юқори органларнинг буйруқ ва кўрсатмаларини қўллайди.

4. Замонавий тиббий илм ва техникага асосланиб, болалар аҳолисига малакали маслаҳат ва стационар ёрдамни кўрсатишни тўлиқ таъминлайдиган тадбирларни ишлаб чиқади ва амалга оширади;

5. Вилоят шаҳар ва қишлоқ тиббий муассасаларида болаларга амбулатор-поликлиник ва стационар хизматини кўрсатиш вилоят болалар марказининг ташкилий-услубий бўлим билан ҳамкорликда ўрганишни ташқиллаштиради ;

6. Вилоят болалар марказларида касалларни маслаҳат поликлиникалари, стационарларнинг бошқа бўлимлари, хоналари ва лабораторияларидаги текшириш ва даволанишида қулайликлар яратади;

6.1. Далилларга асосланган тиббиётни қўллаган ҳолда касал болаларни даволаш ва текширишда консултатив поликлиникалар ҳамда вилоят болалар маркази ишларида замонавий усулларни қўллаш ва ўз вақтида киритиш. ;

6.2. Болалар диспансеризацияларининг такомиллашувини таъминлайди ;

6.3. Вилоят болалар марказлари ишларининг ташкилий меъзонлари ва усулларини такомиллаштириш, вилоят туманларидан маслаҳат поликлиникаларига юборилган касал болаларни текшириш муддатини ва стационардаги даво давомидаги ётоқ кунларини қисқартириш;

7. Бевосита жавобгарликка эга:

- маслаҳат поликлиникалари ва касалхоналаридаги болаларни текшириш, ташҳислаш ва даволашнинг сифатига;

7.1. маслаҳат поликлиникаси ва стационарнинг куч ва маблағларидан тўғри фойдаланиш асосий жамғармага : (иморатлар, жиҳозлар, асбоб-ускуналар, транспорт ва б.) тиббий асбоблар ва тиббий ходимларга;

7.2. маслаҳат поликлиникалари ва стационар шароитларидаги беркитилган заҳираларнинг вақтида топилишига ва ишлатилишига, ишчи кучларининг бемор болаларга хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга.

7.3. тиббий ходимларни тўғри тақсимлаш, малака ошириш ва уларга бўйсунувчи ходимларнинг тарбиясига;

7.4. Қоидаларга биноан касаллик варақалари ва бланкларини қайд қилиш ва сақлашни ташкиллаштиришга .

8. Вилоят болалар марказининг даволаш-профилактика ишлари бўйича ўринбосари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

8.1. Вилоят болалар марказларида ўзига қарашли бўлган ходимларни бошқариш, уларга поликлиникаларда маслаҳат қабуллари ва маслаҳат ишларини олиб бориш бўйича буйруқлар, вазифалар бериш ;

8.2. Вилоят туманларидан келган касал болаларни вилоят болалар марказининг қайси маслаҳат поликлиникасига тўғри юборилишини ва қабул ҳамда текширишларни аниқлаш ;

8.3. Вилоят туманларидан маслаҳат поликлиникаларига юборилган болаларни зарурият туғилганида стационар текширишга мухтожлиги масаласини ҳал қилиш. ;

8.4. Вилоят болалар марказининг бош шифокорига бевосита унга бўйсинувчи ишчиларни рағбатлантириш ва ички тартиб интизомни бузган ёки бошқа ишларни бажарган тиббий ходимларга жарималар солиш ҳақидаги маълумотларни етказиш..

9. Вилоят болалар марказининг даволаш-профилактика ишлари бўйича ўринбосари қуйидаги мажбуриятларга эга :

9.1. вилоят болалар марказларидаги унга бўйсинувчи тиббий ходимлар, бўлим, лаборатория, хоналар бошлиқлари бўлган мутахассис –шифокорларга, доимий равишда уларга тегишли қарорлар, қонунлар, вазифалар ва ўқув методик қўлланмаларни етказиш.;

9.2. касал болаларнинг стационар ва поликлиникалардаги текшириш ва даволаш ишларининг ўз вақтида бажарилиши ҳамда сифатини доимий назорат қилиш;

9.3. Маслаҳат поликлиника, марказнинг даволаш-профилактика ишлари режаларини йиллик, квартал ва ойлик ҳисоботларини ишлаб чиқишини таъминлаш ;

9.4. Марказнинг даволаш-профилактика фаолияти ҳақида йиллик ҳисоботни ишлаб чиқиш ва бош шифокорга ўз вақтида етказиш;

9.5. Туман болалар марказларидаги ташкилий-услубий бўлим билан биргаликда доимий равишда (кварталда бир мартадан кам бўлмаган ҳолатда) туман тиббий муассасаларнинг бош шифокорларига услубий ва маълумотли хатларни ишлаб чиқиш ва юбориш.

Марказга юборилган бемор болаларнинг текшириш натижаларини таҳлил қилиш. (марказга келишдан олдин шаҳар ва қишлоқ тиббий муассасалардаги бўлган номутаносиб ташхислар, катта қўпол ҳатоликлар ва бошқа.)

9.6.Марказ ходимларининг илмий-амалий конференциялари ва кенгашларини иш натижаларини таҳлил қилиш мақсадида доимий равишда ташкиллаштириш ҳамда касал болаларни текшириш ва даволашнинг янги усуллари билан таништириш;

9.7. Медикаментлар, флюорографик пленкалар ва боғлов материалларини тежамли ишлатишни назорат қилиш .

9.8. Малакасини мунтазам равишда ошириш .

3.4.Вилоят болалар тиббиёт маркази стационар бўлими бошлиғининг вазифалари

1 Вилоят болалар тиббиёт маркази стационар бўлими бошлиғининг лавозимига малакали мутахасис шифокорлардан тайинланади. У даволаш ва ташкилий ишларда мутасадди мутахассислик бўйича тажрибага эга бўлиши керак.

2. Бўлим бошлиғини ишга тайинлаш ҳамда ишдан четлаштириш, вилоят болалар тиббиёт маркази стационар бўлими бошлиғи томонидан амалга оширилади. Лавозимга тайинланаётган вақтда илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган шифокорларга имтиёзлар берилади.

3.Бўлим бошлиғи марказнинг бош шифокорига ва даволаш-профилактика ишлари бўйича бош шифокор уринбосарига бўйсунди.

4. Бўлим бошлиғи ўз ишида вилоят болалар маркази ҳақидаги низом ва бошқа расмий ҳужжатлар ҳамда юқори турувчи органларнинг фармонлари ва қарорларини қўллайди.

5. Бўлим бошлиғи бўлим тиббий ходимларининг стационардаги бемор болаларга кўрсатадиган тиббий ёрдам сифати ва маданиятига тўлиқ жавобгар ҳисобланади
6. Вилоят болалар маркази бош шифокори вазифаларига биноан стационар бўлими бошлиғи қуйидаги вазифаларни бажаради:
- 6.1. Замонавий илм ва амалиёт даражасида касал болаларни ўз вақтида даволаш , текширишни ташкиллаштиради ва таъминлайди;
- 6.2. Стационар бўлимдаги ординатор шифокорларнинг иш фаолиятларини ташхиснинг тўғри қўйилганлигини, даво тўғри буюрилганлигини ва унинг натижавийлигини, касал болаларнинг касаллик тарихларини тўғри олиб борилишини доимий назорат қилади;
- 6.3. Шифокор ординаторлар ва ўрта тиббий ходимлар билан биргаликда эрталабки ва ҳафтасига 2 марта кечки вақтда янги тушган ва оғир касалларнинг кўрикларини амалга оширади;
- 6.4. Диагностика ва даволашдаги барча қийинчиликларни ўз бўлими врач ординаторлари билан муҳокама қилади, ҳамда поликлиник ва стационар ташхисларнинг мос келмасликларини, болалар ўлими ҳолатлари кузатилганида паталого-анатомик ташхисларнинг ўзгаришларини таҳлил қилишади;
- 6.5. Ўз бўлимидаги касалларни қабул қилиш ва чиқариш масалаларини ҳал қилади, даволовчи шифокорлар билан биргаликда касаллик тарихларини текширадилар, қўл қўядилар, чиқиб кетган ҳамда бошқа бўлимга ўтказилган беморларга эпикризлар ёзади;
- 6.6. болалар билан госпитализация қилинган оналарга бериладиган касаллик варақаларини асосланганликларини ва тўғри ёзилганлигини текширадилар ;
- 6.7. Зарурият туғилганида бошқа мутахассисларни чақирган ҳолда консилиумлар бўлиб ва ўзлари ҳам уларда иштирок этадилар;
- 6.8. Бўлим касаллари ва болалар билан биргаликда госпитализация қилинган оналарига тўғри эмизиш тартибини, даволовчи парҳезларни, болалар билан тарбия ва педагогик ишларни, кун тартибини ишлаб чиқади ва таъминлайди ҳамда оғир касалларнинг парваришини индивидуаллигини таъминлаш, эмизикли гўдак болалар ва оғир болаларнинг парваришларини оналарга руҳсат берадилар;

6.9. Шифохона ички инфекцияларини профилактикасидаги зарурий чоратадбирларни амалга оширади, агарда бўлимда инфекцион касаллик аниқланса:

- а) беморни дарҳол изоляция қилинади ва врач эпидемиолог билан ҳамкорликда мулоқотда бўлган беморларни тарқатиш бўйича ҳамда карантин эълон қилиш бўйича масалаларни ҳал қилади;
- б) карантин эълон қилинганига қарамасдан янги келган касалларни қабул қилиш ва оғир келган бемор болаларни госпитализация қилишдан бош тортмаслик;
- в) Бош шифокорга ёки унинг даволаш-профилактика ишлари бўйича ўринбосарига барча касалхона ички инфекциялари ҳақидаги ҳолатлар бўйича маълумотларини етказди;
- г) касалхона ички инфекцияларига тегишли тезкор хабар карталарини тўлдирилишини назорат қилади, инфекция тарқалишининг барча эҳтимолларини кўриб чиқади;

6.10. Қуйидаги йўллар орқали барча бўлим шифокорлари ва ўрта тиббий ходимларнинг малакаларини ошириш ишларини мунтазам олиб боради:

- а) янги тиббий адабиётлардан фойдаланиш, клиник ва паталогоанатомик анжуманларда иштирок этиш йўллари.
- б) алоҳида тузилган жадвалга мос равишда кетма-кет врач педиатрлар ва УАШ ни, тиббий ходимларнинг замонавий тажрибаларини ўрганиш, малака оширишга ва қайтадан ўқитишга юбориш;
- в) ўрта тиббий ходимлар билан оғир касал болаларнинг парвариши ва тўғри овқатлантириш мавзуларига оид дарслар олиб бориш;

6.11. Ўз бўлимидаги шифокорларнинг илмий анжуманларда тиббий ассоциациялар вазифаларига биноан бажарилган ҳамда илмий журналларга мақолалар сифатида бўлимдаги ишларни ўзида акс этган илмий-тадқиқод ишларини врач ординаторларга зиммаси юклаб, бундай ҳолларда бўлим бошлиғи мақола ва докладларда келтирилган статистик маълумотлар, фактларнинг ҳаққонийликларига жавоб беради;

6.12. Бўлим ходимлари билан тарбиявий ишларга, касалларга виждоний мулоқот ҳақидаги тарбиявий ишларни амалга оширади ;

6.13. Барча фавқулоддаги ҳолатлар ва уларга нисбатан қандай чоралар кўрилганлиги ҳақида бош шифокорни хабардор қилади (тўсатдан ўлим, бахтсиз ходиса ва б.);

6.14. Бўлимдаги барча тиббий хужжатларни олиб борилиши тўғрилигини таъминлайди.; асосий сифат кўрсаткичларини шахсан ўзи текширади ва таҳлил қилади; бўлим ишлари ҳақида белгиланган вақтларда ҳисоботлар тайёрлайди ;

6.15. катта ёшли болалар, госпитализация қилинган кичик болалар ва оналар билан санитар-оқартув ишларини олиб боради, гуруҳий, индивидуал суҳбатларнинг мавзуларини марказнинг бош шифокорига тасдиқлаш учун тақдим этади;

6.16. Бўлимда бериладиган заҳарли, кучли таъсирга эга дориларнинг сақланиши, қайд қилиниши ва берилишига жавобгар;

6.17. Бўлимдаги, касалларнинг ва хоналарнинг кийимларининг санитар-гигиеник ҳолатларига ҳамда тиббий ходимларнинг шахсий гигиеналарига жавоб беради;

6.18. Ташкилий кенгашларда фаол иштирок этади, ишчи таклифларини қайд қилади ва уларни кўриб чиқиб тадбиқ этадилар.;

7. Марказ бўлим бошлиғи қуйидагиларга ҳақли :

7.1. Бўлим ходимларига буйруқ ва вазифалар бериш;

7.2. Ўзи қарамоғидаги ходимларни рағбатлантириш ёки ўрнатилган тартиб қоидаларни бузганларга жарималар солиш;

7.3. Бўлим ходимлари шифокорлари ва ўрта, кичик тиббий ходимлари иш жадвалларини тасдиқлаш;

7.4. Бўлимга ходимларни танлашда иштирок этиш.

3.5. Вилоят болалар тиббий маркази врач-ординаторининг вазифалари

Вилоят болалар тиббий маркази врач-ординатори бош шифокор томонидан бўлим бошлиғи тавсияси билан тайинланади ва ишдан озод этилади.

1. Ординатор бевосита бўлим бошлиғига бўйсунди ва барча ишларни унинг қарамоғида бажаради.
2. Вилоят болалар маркази ординатори қуйидаги **мажбурият**ларга эга::
 - 3.1. Далилларга асосланган тиббиётни қўллаган ҳолда зарур диагностик тадқиқодларни қўллаган ҳолда даволаш усуллари қўллаб касал болаларни даволаш;
 - 3.2. Бемор болаларга доривор давони буюриш, буюрган дориларни ва даво муолажаларига жавобгар; бўлим йўналишига биноан ўзлари мустақил равишда махсус тиббий тадқиқодлар олиб боради ва б;
 - 3.3. Хоналардаги касалларни ҳамшира билан биргаликда ҳар куни теширишларда ва бўлим бошлиғи кўрикларида қатнашиш, ўз касаллари ҳақида ҳисоботлар беради ва зарурият туғилганида бошқа мутахассислар билан маслаҳатлашади.;
 - 3.4. Касалларнинг аҳволлари, давоси, овқатланиши ва кундаликлари касаллик тарихларига ёзадилар;
 - 3.5. Касалда кузатилган барча ўзгаришларни ва ташхисни қўя олмаслик ҳолатлари кузатилганида бўлим бошлиғига маълумотлар етказиш;
 - 3.6. Ўрта ва кичик тиббий ходимларни бошқариш, шифокорлар берган вазифаларни тўғри бажарганликлари текшириш ва бармаганлик ҳолатларида бўлим бошлиғига етказиш;
 - 3.7. Бемор болаларнинг овқатланиш тартиблари ҳақида бўлим парҳез шифокори билан маслаҳатлашиш.;
 - 3.8. Справкаларга келган оналар, касалхонадаги катта болалар, болалари билан биргаликда ётган ота-оналарга санитар-оқартув ишлари бўйича машғулотлар олиб бориш;
 - 3.9. Болалари билан биргаликда ётган оналарнинг ички тартиб қоидаларини бузмасликлари нозорат қилиш ;
 - 3.10. Кетиш олдида бўлим бошлиғига, ишда йўқ бўлган ҳолатларида эса навбатчи шифокорга ёзма равишда оғир беморларнинг аҳволи ва уларга ўтказилган ҳамда ўтказилиши керак бўлган даво муолажалари ва тадбирларини қолдириш;

- 3.11. Ўрнатилган жадвал бўйича тунги навбатчиликларда иштирок этиш ;
- 3.12. Бўлим бошлиғига унинг хулосасига биноан бошқа бўлимга ўтказилиши ёки касалхонадан чиқиб кетиши керак бўлган болаларни тақдим этиш;
- 3.13. Ўрнатилган тартибларга мос равишда касалларни чиқариш ва бошқа бўлимларга ўтказиш.

Ота- оналар касал болани уйларига ўз қармоғларига олиб кетиш вақтларида ота-оналарни бўлиши мумкин бўлган ҳолатлар юзасидан огоҳлантириш ва албатта бўлим бошлиғи ёки бош шифокорга маълумот бериш. Болани касалхонадан чиқаришда касаллик тарихида бола ота-онасининг қармоғига ўзи хоҳиши биноан олиб кетилганлигини қайд қилишлари лозим ;

3.14. Болани касалхонадан чиққанлиги ҳақидаги хабарни болалар муассасасига ўз вақтида етказди ;

3.15. стационар ўрнатган ички тартибга биноан кунлар ва соатлар бўйича ташриф буюрувчиларни қабул қилиш ва уларга оғзаки равишда болалар ҳақида маълумотлар бериш; агарда боланинг аҳволи ёмонлашган ҳолатларида албатта ота-оналарига хабар бериш .

3.16. Доимий равишда ўзининг назарий билимлари ва шифокорлик тажрибасини ошириб туриш , шифокорлар анжуманлари ишларида иштирок этиш, ўлган касалларнинг паталогоанатомик ёришларида иштирок этиш.

3.17. Бўлимнинг ўрта ва кичик тиббий ходимларининг малакаларини ошириш ишлари бўйича ишлар олиб бориш, ҳар куни улардан тартибга риоя қилишни талаб қилиш, касал болаларга, ота-оналарга нисбатан яхши муомалада бўлиш, медикаментлар ва бошқа асбоб-анжомларга эҳтиёткорона фойдаланишни назорат қилиш

3.15. Бўлим бошлиғига ёки бош шифокорга фавқулоддаги вазиятлар, иш тартиби бузилганлиги ҳамда касал болалар ва уларнинг ота-оналари томонидан ички тартиб интизомни бузишлари ҳақида маълумотларни етказиш.

2. ШАҲАР ТИББИЙ БИРЛАШМАНИНГ ЁКИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАНИНГ БОЛАЛАР БЎЛИМИ

4.1.Шаҳар тиббӣй бирлашманинг (болалар поликлиника бўлимининг) иш фаолияти ҳақидаги умумий маълумотлар

Болаларнинг саломатликларини сақлаш бўйича бизнинг мамлакатимизда биринчи ўринни амбулатор-поликлиник хизмат эгаллайди.

Болалар поликлиникаси болалар тиббӣй бирлашманинг ёки оилавий поликлиниканинг тузилиш бирлиги ҳисобланади.

Тумандаги болалар шаҳар поликлиникаси 15 ёшгача бўлган (14ёш 11 ой 29 кунлик) болаларга даволаш профилактик ёрдамни кўрсатади. Тиббӣй ёрдамни кўрсатиш уй шароитида, поликлиникада, боғчаларда, мактабларда амалга оширилади. Болалар поликлиникасининг жойлашиш ҳудудини соғлиқни сақлаш органлари белгилайди ва назорат қилади.

Болалар поликлиникалари бўлимларининг категориялари болалар аҳолисининг сонига боғлиқ.

Амбулатор поликлиник муассасаларнинг ҳисоб кўрсаткичи улардаги шифокорлар лавозимлари сонига боғлиқ.

« Шифокор лавозими» тушунчасида биз шифокорнинг маълум белгиланган иш ҳажмини тушунамиз, у ҳар бир соҳада алоҳида ҳисобланилиб, «шифокорлик касбининг вазифаси» сифатида ҳисобланилади.

Шифокорлик касбининг вазифасига- бир календарь йилда кўрилиши мумкин бўлган поликлиникалардаги режавий қабуллар, профилактик кўриклар ва уйларга чақирувлардаги кўрикларни амалга ошириш киради.

Шифокорлик касбининг вазифаси уч қуйидаги кўрсаткичлар билан таърифланади:

- ажратилган кун, соатларда поликлиникалардаги профилактик кўриклардаги 1 соат мобайнида кўриладиган касаллар сони ва уйлардаги кўрикларда 1 соат мобайнида кўриладиган касалларнинг сони билан белгиланади

Масалан, ҳудудий педиатр учун иш вақтида 1 соатга 5 касал кўриш, уйда- 2 касал кўриш, бўладиган профилактик кўрикларда эса 7 касал кўриги амалга оширилади.

-иккинчи элемент бўлиб соатлар сони ҳисобланиб иш жадвалига боғлиқ бўлади.

Худудий шифокор-педиатрларнинг иш куни 5,5 соат ҳисобланади, поликлиникада 3 соат, худудда 2 соат хужжатларни тўлдириш, мажлислар ва конференцияларда иштирок этиш учун 0,5 соат:

- учинчи элемент – йил давомидаги иш кунлари сони. Худудий врач-педиатрларда 278 кунни ташкил этади (365 кун 24 кун таътил айирилганида , 3 кун қўшимча дам олиш кунлари, 59 кун дам олиш кунлари ва байрамларга тўғри келади) Мутахассис шифокорларда ёзги дам олиш кунлари 18 га тенг, шу сабабли йил давомидаги иш кунлари 285 ни ташкил қилади.

Шифокор фаолиятининг вазифаси худудий педиатр иш фаолияти куйидагича ҳисобланади:

А) амбулатор қабулда: $5 \times 3 \times 278 = 4170$;

Б) уйдаги ёрдам бўйича: $2 \times 2,0 \times 278 = 1012$;

Бир йилда йиғиндиси 5182 нафар болаларга хизмат кўрсатади .

Аҳолининг амбулатор-поликлиник шифокорларга талаб куйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$Ш = Д \times А,$

Ш –Шифокор лавозими;

Ф

Д –1 киши аҳолига йилига тўғри келадиган қабуллар

сони;

А –аҳоли сони;

Ф – Шифокорлар фаолиятининг вазифаси.

Мисол тариқасида амбулатор- поликлиника шароитида педиатр шифокорларга бўлан эҳтиёжни ҳисоблаш мумкин, бунда киши аҳолисининг 1 бошига 2 қабулни мос қилиб оламиз, аҳолининг умумий сони 100 000 , шифокор лавозими вазифаси 5182.

$Ш = \frac{2,0 \times 100\,000}{5182} = 38$ педиатр- шифорлар лавозими

Поликлиниканинг болалар бўлими тузилиши куйидаги бўлимларга эга:

1. алоҳида эшикли фильтр ва боксли изоляторлар;

- регистратура;

2. педиатр хоналари ва бошқа шифокорлар хоналари;
 3. болалар билан профилактик ишларни олиб бориш хоналари (соғлом бола хонаси, эмлаш хонаси) ;
 4. даволовчи тикланиш бўлими;
 5. даволаш диагностика хоналари: лаборатория, рентгенологик, физиотерапевтик, даволовчи жисмоний тарбия хонаси, массаж хонаси, муолажа хонаси, эмлаш хонаси ва б. ;
 6. мактаб-мактабгача бўлим
 7. ҳуқуқий хона
 8. гардероб ва бошқа ёрдамчи хоналар, кутишга мўлжалланган холлар ;
 9. административ-хўжалик бўлими (аптека, бошқарма хоналари ва б.)
- Поликлиникаларда кундузги стационарлар мавжуд.

Болалар поликлиникаларидаги штатларнинг сони меёрларга асосан бўлинади, буларга асосан болаларга поликлиникаларда қабулни, уларга кўрсатиладиган уйдаги, боғчалардаги, мактаблардаги тиббий ёрдам ташкиллаштирилади ва бошқа ишларни амалга ошириш юзасидан амбулатор-поликлиник хизмат бўйича 15 ёшгача бўлган ҳар 10 000 болалар сонига қуйидагича тақсимланадилар:

Худудий педиатр – 12,5 ёки 800 бола бошига 1 та педиатрлик.

Болалар муассасалари, боғча, ясли, мактаблардаги шифокорлар штатлари қуйидагича тақсимланадилар:

- 1 педиатр – 180-200 боғча ясли болалар сонига яъни 3 ёшгача бўлган болаларга ;
- 600 нафар мактабгача таълим муассасаларидаги болалар 3-ёшдан 7 ёшгача бўлган боғча болалари(ясли боғчалардаги);
- 2000 мактаб болалари.

Худудий педиатрларга мавжуд бўлган меёрларга кўра худудий педиатрга 800 нафар бола тўғри келади; ўрта тиббий ходимларда 1,5 хамшира 1 педиатр штатига тўғри келади. Ҳозир поликлиникаларда УАШ лари ишлашини ҳисобга олган ҳолда ҳар бир худудий шифокорга 15000 аҳоли сони тўғри келади.

Агар худудий педиатрлар ва мактаб ҳамда боғча педиатрлари сони 6,5-9 гача бўлганида педиатрлик бўлими бошлиғига 0,5 лавозими берилади ва шифокор 50% ишини бажаради, агарда педиатрларнинг умумий сони 9 дан ошса 1 бўлим бошлиғига 1 ставка берилиб, даволаш ишларидан озод этилади.

Болалар поликлиник бўлимларининг иш фаолиятларининг асосий иш услубларидан бири бўлиб диспансер усули ҳисобланади, бу усул болаларнинг соғлиқларини сақлашга, чиниқтиришга, тўғри психик, физик, ривожланишини таъминлашга, касалликларини эрта аниқлаш, даволаш ва олдини олишга қаратилади.

Болалар поликлиникаларинг асосий йўналиши бу –соғлом бола ривожланиши ва тарбияланиши учун шароитларни таъминлаш: касалликларнинг профилактикаларини олиб бориш, касал болаларга даволовчи ёрдам кўрсатиш, ривожланишларида ва соғлиқларида нуқсонликларга эга болалар билан даволаш-профилактик ёрдамни ўтказиш.

Шаҳар поликлиникаларидаги болалар бўлимларидаги тиббий ходимлар ишларининг тавсилоти қуйидагича таърифланади..

1.Профилактик тадбирлар комплексини ташкиллаштириш ва уюштириш;

- 1.1.соғлом болаларни динамик тиббий кузатиш ;
- 1.2. профилактик кўриклар ва диспансеризация ;
- 1.3. профилактик эмлашлар эмлаш(календарига кўра);
- 1.4. соғлом турмуш тарзига бағишланган машғулотлар ўтказиш бўйича ота оналар билан (маъруза, муҳокамалар, анжуманлар) ўтказиш, мактаб болаларини чиниқтирувчи муолажаларга (жисмоний тарбия и спортга) ўргатиш;
- 1.5. тўғри овқатлантиришни ташкиллаштириш ва б.

2. Уйда ва поликлиникалардаги даволаш маслаҳатли ёрдамни, жумладан касал болаларни малакали тиббий даволанишга болалар стационарларига, , Соғлиқларини тиклаш учун оромгоҳларга, иктисослаштирилган боғча яслиларга , чиниқтирувчи оромгоҳларга ва б. юбориш;

3. Мактабгача таълим муассасаларда ва мактабларда даволаш-профилактик ёрдам ишлари;

4. Эпидемияга қарши чора тadbирлар (СЭС лар билан биргаликда);

5. Болаларнинг ҳуқуқларини ҳимоялаш ;

6. Шифокорлар , ўрта тиббий ходимларнинг малакаларини ошириш бўйича ўқув курсларига юбориш ишларни амалга ошириш;

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги ўрнатган тартибда қайдларни олиб бориш ва ҳисоботларни етказиш бўйича .

Поликлиниканинг болалар бўлими қуйидаги алоқаларни амалга оширади:

- Қизил Ярим Ой жамияти, туман Халқ таълими бўлими, туман педиатри билан;
- ҳудудий санитар эпидемиологик марказлар билан ;
- Саломатлик ва статистика маказлари билан,
- аёллар маслаҳатхоналари ва туғруқхоналар билан,
- стационар, диспансерлар билан,
- катталар учун мўлжалланган поликлиникалардаги (оилавий поликлиникаларда) ўсмирлар хоналари билан;
- мактаблар, мактабгача таълим муассасалари ва оилавий поликлиникалар билан;
- боланинг яшаш манзили бўйича санитар фаоллар ва умуммахаллий муассасалар билан;
- болаларнинг ота-оналари иш жойлари билан ва оилалари билан;

4.2. Шаҳар поликлиникасининг болалар бўлими мудирининг (марказ ёки оилавий поликлиника)

- Болалар поликлиникаси бўлимининг ёки оилавий поликлиникага, шифохонанинг болалар бўлимига бош шифокори лавозимида иш тажрибаси ва ташкиллаштириш маҳоратига эга бўлган педиатр ёки УАШ ни тайинлашади;
- Бўлим бошлиғини ишга олиш ва ишдан четлатишшни бош шифокор ўзи бўйсинувчи юқориги Соғлиқни Сақлаш ташкилоти маслаҳати ёки ҳокимият маслаҳати билан биргаликда амалга оширади;
- бўлим бошлиғи поликлиниканинг болалар бўлими ишини бошқаради ва маҳаллий Соғлиқни Сақлаш бўлимига бевосита бўйсунади;

- бўлим бошлиғи поликлиника бўлимлари иш фаолиятига ва унинг сифати ҳамда болаларнинг даволаш-профилактика ёрдамига ҳолис равишда тўлиқ жавобгар ҳисобланади;

Бўлим бошлиғи поликлиникага юклатилган вазифаларга монанд бажариши керак бўладиган вазифалари;

- болаларга поликлиникада, уйда ва мактабгача муассасаларда тиббий даволаш ва профилактик ёрдамни ташкиллаштириш;

- далилларга асосланган тиббиёт исботлаган тиббий ёрдамнинг янги усуллари, диагностика, даволаш, профилактиканинг янги чора тadbирларини қўллаш ва поликлиника ишига тadbир қилиш;

- бўлим ишчиларининг, хоналарнинг иш рационал графикларини тузиш ва уларнинг бажарилишини назорат қилиш ;

-Поликлиниканинг иш фаолияти давомида аёллар маслаҳатхонаси, туғруқхоналар, бошқа даволаш-профилактика муассасалари ва санитар-курорт муассасалари билан ҳамкорлигини таъминлаб бериш .

Бўлим бошлиғи қуйидагиларга жавобгар:

- Даволаш- профилактика ишларининг ҳозирги фан ва техниканинг ривожланган талабларига монанд сифатига;

- бош шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда тиббий ва бошқа ходимларни ўз вақтида тўлиқ штатлар бўйича расмийлаштириш ва лавозимларига жойлаштириш;

- берилган бўлимнинг иш фаолиятига илмий ютуқларни киритиш;

- тиббий ходимларнинг малакаларини ошириш;

- аҳоли билан биргаликда поликлиниканинг болалар бўлими фаолиятини яхшилашга қаратилган масалаларни ҳал қилиш;

- ходимларнинг тегишли қарорлар, қонунлар, қоидалар, методик қўлланмалар билан таништиришни таъминлайди;

- юқори турувчи органларга статистик ва б. ҳисоботларни тўғрилигини текширади ва ўз вақтида бера олишини таъминлайди.

- бўлим бошлиғи бўлим ходимлари устидан тушган аризалар, шикоятлар ва таклифларни куриб чиқади ва бош шифокор билан маслаҳатлашган ҳолда тегишли чора тadbирлар куради. Булим бошлиғи марказнинг бош шифокори олдида ва зарурият тугилганида Соғлиқни Сақлаш бошкармаси олдида ҳисоботлар беради ҳамда аҳолига йилига икки мартадан кам бўлмаган ҳисобда ҳисоботлар топширади.

4.3. Поликлиника Педиатрия бўлимини мудирининг

функционал мажбуриятлари

Асосий вазифалар бу бўлим ва умумий бўлимлар шифокорларини профилактик-даволаш ва умумий санитария ишларини назорат қилиш ва тўғридан тўғри раҳбарлантириш.

- поликлиникада ва хонадонда беморларга маслаҳат утказиш;
- даволанишга тавсиялар бериш, стационар даволанишга мухтож бўлган болаларни ўз вақтида стационарга ётказишни таъминлаш;
- мактабгача бўлган идораларга ва мактабга қатнайдиган болаларнинг режали диспансеризациясини уюштириш, йил давомида тиббий куриклар натижаларини баҳолаш;
- унинг асосий ишларидан бири булимнинг ишнинг сифат кўрсаткичларини таҳлил қилиш, ва уларнинг натижаларини бўлим мажмуаси билан кўриб чиқиш.

Педиатрия бўлимининг мудир иштирок этади:

- ойлик иш режаларини бажариш назоратида педиатрлар (поликлиникада, ва шундай мактабгача бўлган идораларда ва мактабларда ишлайдиган) ёки педиатрияга тегишли умумий профилдаги шифокорлар иш режасини ва иш жадвалини тузиш;
- юқори турувчи органларнинг методик-инструктив курсатмаларини, буйруқларини, мажбуриятларни, бўлим ходимларига етказиш ва уларнинг ўз вақтида бажаришни таъминлаш;

- қайта кирган шифокорлар ва тиббий хамширалар инструктажида, административ йиғилишларда, утказиладиган педиатрлар, УАШ шифокорлар ва урта тиббий ходимларни малака ошириш тадбирларида;

Педиатрия булими мудирлари мажмуада олиб борилган ишларда меҳнатга чин дилдан қараш тарбиясини олиб борилишига, болаларга ва ота-оналарга диққат ва эътибор билан қарашга жавобгар булади.

4.4. Участка педиатри, педиатрини функционал мажбуриятлари.

Участка педиатри ва УАШ асосий масаласи бўлиб касалликларни ва ҳамма ёшда булган болалар ўлимини кейинчалик камайиши, кенг уюштириш комплекси йули билан специфик ва носпецифик профилактик тадбирларини, болаларни оптимал физиологик ва психо-неврологик ривожланиши таъминлаш.

УАШ шифокори ёки участка педиатри бу фаолиятларида мажбур :

- аёллар маслахатхонаси билан доимо алоқада бўлиш, хомиладорларни назоратида қабулни таъминлаш, айниқса (хавф) гуруҳидан булганларни; хомиладорларни туғуруқдан олдинги охириги ойларда хонадонига қатнаб кўрикларини ўтказиш, шунингдек туғуруқхонадан чиққан янги туғилган чақалоқларни 3 кун давомида кўриш, тиббий хамширани хонадонга қатнаб янги туғилган чақалоқларни кўришини назорат қилиш;
- поликлиникада болаларни қабул қилиш, уларга режим, рационал озиқланиш, рахитнинг специфик ва носпецифик профилактикасини белгилаш, болаларни физик ва психоневрологик ривожланишини баҳолаш;
- услубий қўлланмаларига асосан болаларга профилактик назорат олиб бориш, уларни бошқа мутахассислар маслахатига ва зарур бўлган лаборатор текширувларга юбориш;

- календарь бўйича профилактик эмлаш режасини тузиш, ўз вақтида ва асосли эмлашни тиббий қолдирилиш сабабини расмийлаштириш;
- тасдиқланган ҳолатга асосан, болаларни динамик тиббий текширишдан утказиш, бошқа шифокор-мутахассислар томонидан диспансер назоратига олинган беморларни кузатиш ва диспансеризацияни фойдалигини таҳлиллаш;
- мактабгача бўлган идораларга ва мактабларга қатнашдан илгари текширувлар ўтказиш, зарур бўлган профилактика ва соғломлантиришни олиб бориш.
- Чакирув бўлган куни хонадонда болаларни бориб кўриш, уларга зарур бўлган тиббий ёрдам кўрсатиш, кўрсатмаларга қараб физиотерапия даволар буюриш; даволаниш физкультураси, бемор болага соғайгунича, госпитализациягача ёки поликлиникага қатнаш рухсати берилгунча назорат қилиш, бир ёшгача болаларни ҳар ой назорат қилиш;
- Участкада оғир касал бўлган, касалхонага қандайдир сабабларга кўра ётмаган беморни тўғрисида поликлиника раҳбариятига ахборот бериш;
- СЭСга тасдиқланган ҳолда инфекцион касаллик ёки унга шубҳа булган ҳолатларни хабар қилиш, инфекцион касалликни тарқалмаслиги учун комплекс профилактик ишлар олиб бориш;
- Болани даволаниш учун стационарга юбориш, зарур булган ҳолатларда ҳамма тезкор госпитализация усулларини қўллаш;
- Санатор даволанишга муҳтож бўлган болаларни назоратга қўйиш ва ажратиш;
- участкада болаларни соғлиғини ахволини, умумий ва инфекцион касалликларни, улим сабабларини, динамикада систематик анализини олиб бориш, буни асосида кейинчалик иш режаси тузиш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни Сақлаш Вазирлигининг тасдиқлаган тиббий ҳужжатларини олиб бориш;
- Доимо ўз малакасини ошириш, даволаш ва диагностика янги методларини қўллаш, тажрибани ошириш;

- Билимнинг савиясини ошириш ва участка тиббий хамиширасини олиб борган ишларини, савиясини оширишини назорат қилиш;
- Соғлом бола ривожланиш масаласини, унинг гигиеник тарбиясини, режали санитар-ойдинлаштириш ишларини олиб бориш, ўз участкасида аҳолидан санитар активини тузиш ва уларни профилактик ишлар олиб боришни йўлга қўйиш.
- Болани оиласи билан иш олиб бориш.

4.5 Мактабгача бўлган болалар идоралари ва мактабларда шифокор педиатрни функционал мажбуриятлари.

Мактабгача бўлган болалар идорасида врач ишини иловаси:

Мактабгача бўлган болалар идораси шифокорлари болалар поликлиника бўлимларини раҳбариятига бўй синади ва болалар сонига қараб 2-3 мактабгача бўлган болалар идорасига хизмат кўрсатадилар. Мактабгача бўлган болалар шифокори, бу идорага қатнайдиган болаларни соғлиғига жавоб берадиган шахс бўлади.

МББМ шифокорининг функционал мажбуриятлари:

- шифокор физиология, психология ва мактабгача бўлган болалар патологияси туманида уз савиясини тизимли ошириш лозим, болалар тарбияси дастурини ҳамда мактабгача педагогика асосларини билиш шарт.
- Шифокор ясли мудири, педагог ва катта хамшира билан биргаликда ДДУда ишлайдиган ходимларни тиббий билимига жавоб беради ва уларни савиясини оширишда актив иштирок этади;
- Шифокор бутун комплекс профилактика тадбир чораларини ташкил қилади ва вақти-вақти билан санитар-эпидемияга қарши режимни назорат қилади, уқалаш утқизишни воситасини, фотарий ишини, гигиена ва соғлиқни мустахкамлаш чора тадбирларини назорат қилади;
- Вақтинча тиббий эмлашни кечиктириш ва организми аллергияга мойилли болаларни иммунизацияга тайёрлаш;
- Болаларни ёши ва соғлиғини ҳолатига қараб шифокор 10- кунлик индивидуал таомнома тузади ва назорат қилади, умумий овқатланиш муассасини тозалигини ва овқатни тайёрлаш технологиясини назорат қилади. Тайёр маҳсулотни сифатини объектив баҳолайди, бракераж дафтарига белги қўяди;
- Шифокор ҳамма қайта келган ва касалликдан кейин қайтиб келган болаларни, муассасада 2- кундан куп бўлмаган вақтда куриқдан ўтказди;
- МББМга катнайдиган болаларни тарбиячиларни ишлатиб, тиббий хамшираларни кундалик куригини ташкил қилади;
- Шифокор ўз вақтида ўткир касаллик беморларни, шундай болаларни утган формали касалликларини, сурункали патологик ҳолатларини (

4.

- анемия, рахит, гипотрофия, эксудатив диатез ва бошқалар) аниқлайди, ва поликлиника ҳамда ёрдамчи хоналарни мутахассислар маслаҳатли ёрдамини ишлатиб, комплекс патогенетик терапия билан таъминлайди.

Мактабларда шифокорни функционал мажбуриятлари:

Умумий-таълим бериш мактабларда ўқувчиларга тиббий таъминланиш шифокор-педиатрлар ва УАШ, ва кучини йукотмаган штат нормативли урта тиббий ходимлар томонидан амалга оширилади. Мактаб тиббий ходимларини асосий вазифаси ўқувчиларни соғлиғини сақлашга қаратилган профилактика ташкил қилиш, эпидемияга қарши тозалик ва даволаш-соғломлаштириш тадбир чораларини кўриш.

Шифокор мажбур:

- болалар поликлиникаси (бўлими) ёки мактабгача бўлган болалар идораси ва мактаб поликлиника бўлими мудирини томонидан тасдиқланган, ўтаётган йилни иш режасига эга бўлиш керак, бу мактаб педагогик маслахатига маълум қилинган бўлиши лозим;
- ўз вақтида методик тавсияларига муносиб бўлган тиббий кўриклар ташкил қилиш ва ўтказиш, болалар аҳолисини диспансеризациядан ўтказиш, ҳар бир ўқувчининг соғлиғини ҳолатидан комплекс ҳулоса бериш, жисмоний тарбия билан шуғулланиш учун тиббий гуруҳини аниқлаш ва зарур бўлганда даволаш-соғломлаштириш чора тадбирларини белгилаш;
- ўқувчиларни чуқур текширувлар натижаларини анализи ўтказиш, уларни соғлиғини мустаҳкамлаш учун олинган маълумотлар асосида умумий режа тузиш;
- жисмоний тарбия дарсларига ва спорт секцияларида машғулотларга қатнашиб, мактабда жисмоний тарбия беришни назоратга олиш, ўқув ишларини режими, дам олиш ва ўқувчиларни овқатланишига, айниқса узайтирилган кунли гуруҳ ўқувчиларига аҳамият бериш, эпидемияга қарши чора тадбирлар ўтказиш, болаларни профилактик кўриқдан ва ўсмирларни профилактик эмлашлар олдидан куригини ўтказиш.
- ўқувчиларни ориентацияси ва профессионал маслахати бўйича, уларни соғлиғини ҳолатини инобатга олиб, педагог ходимлари билан биргаликда иш олиб бориш;

- бириб чиқиш ва ўтказиш интихомлардан озод бўлишга муҳтож бўлган ўқувчиларни аниқлаш, уларга тайинланган материалларни мансуб булган поликлиника комиссияси ихтиёрига топшириш;
- мактабда амбулатор қабул ўтказиш ва тиббий ёрдам кўрсатиш;
- мактаб ходимлари, ота-оналар ва ўқувчилар ўрталарида тозалик ишларини ойдинлаштириш;
- ўқувчилар соғлиғини ахволи тўғрисида маълумотларни анализ натижаларини, уларни касалликларини ва ўқувчиларни соғлиғини мустахкамлантиришга қаратилган чора тadbирларини, поликлиника (болалар бўлими мудири) бош шифокори ва педагогик маслаҳат аъзоларига маълум қилиш;

БТСЁ БОШ КИСМЛАРИДАН БИРИ ОИЛАВИЙ ПОЛИКЛИНИКАЛАР ХИСОБЛАНАДИ. (БТСЁ шаҳар экспериментал муассасаси)

1. Шаҳар биринчи тиббий-санитария ёрдами экспериментал муассасаси, бюджет ташкилот ва юридик шахс ҳуқуқи билан мустақил хўжалик юритувчи субъект ҳисобланади.
2. Оилавий поликлиника фаолиятини раҳбарлигини бош шифокор бошқаради..

Штат нормативларига асосан оилавий поликлиника штатлари белгиланади.

Оилавий поликлиника фаолияти:

Шаҳар поликлиникаларини фаолияти бекамқустлигини зарурлигини инобатга олиб, соғлиқни сақлаш бирламчи звеносининг шаҳар экспериментал муассасалари норматив ва ҳолатлар янги лойиҳалари ишлаб чиқилган.

28 сентябр 2005 йилда “Ўзбекистон Республикасини Соғлиқни Сақлаш муассасалар бошқармаси ва маблағ билан таъминлаш системасини келажакда ислох қилиш чоралари тўғрисида” Вазирлик Кабинети №217 қарорига асосан, ва соғлиқни сақлаш сферасида келажакда чуқур реформа қилиш мулжалида,

маблағлаш янги механизмини таркатилиши ва (БТСЁ) биринчи тиббий ёрдам шаҳар муассасаларида эксперимент сифатида уни жорий қилиш, шундай шаҳар аҳолисига тиббий хизмат кўрсатиш янги принципларини жорий қилиш. Соғлиқни Сақлаш Вазирлиги томонидан маълум қадам ташланган.

Айрим шаҳар поликлиникаларини янги мағлағ билан таъминланиш этапига ўтиши унумли ва ўз вақтида амалга ошириш учун, умумий практика шифокори принципи бўйича тиббий ёрдам ташқил қилиш, соғлиқни сақлаш бирламчи звеносининг малакали мутахассисларни тайёрлаш ва талабларни бирхиллаштириш организациясига ва уларни ишларини баҳолашга Вазирликнинг 29 декабр 2007 йилдаги № 594 махсус қарори чикган. Бунда ойилавий поликлиникаларда умумий практика шифокорига алоҳида диққат ажратилган.

Аҳолини соғлиғини яхшилашига қаратилган ҳамма зарур чора тадбирлар ўтказилиши туфайли БТСЁ намунали устав ишлаб чиқарилган, у билан БТСЁнинг мулжаллари ва масалалари махсус ҳолатлар аниқланган:

БТСЁ унга бириктирилган аҳолига сифатли тиббий-санитария ёрдам курсатиш мулжали билан ташқил қилинади. Асосий вазифани амалга ошириш учун БТСЁ ходимлари қуйидаги масалаларни ҳал этади:

1. бириктирилган аҳолига, айниқса тез учраб турадиган касалликларни профилактикаси ва даволаши учун, айрим беморларга кўрсатилгандай, бутун оилага ҳам индивидуал тиббий хизмат кўрсатиш.
2. Тез тез учраб турадиган касалликларнинг давомидаги кечадиган оғир ҳолатларда ва нотипик вариантларда, беморларни курсатгичларига қараб, ўз вақтида тиббий маслаҳат, махсус тиббий муаасасаларга йўлланма бериш ва госпитализация қилиш.
3. Ихтиёрда бўлган ва стандартли таъминлар ёрдамида аҳолига госпитализациягача тезкор тиббий тез ёрдам кўрсатиш.
4. Хизмат кўрсатилаётган аҳолида касаллик, травматизм, ногиронлик, ва ўлимнинг камайтириш мақсадида профилактик чора тадбирлар ўтказилиш.
5. Аҳолини соғлом ҳаёт кечириш, шунингдек туғри озиқланиш, алкоголь истъемол қилиш билан курашиш, чекиш ва бошқа зарарли одатларни

йўқотиш пропагандасини, тозалик гигиеник тарбиясини ташқил қилиб чора тадбирлар ўтказиш.

6. Хомиладор ва туғруқдан кейинги ҳолатдаги аёлларга диспансер назоратдан ўтказиш ва ташқил қилиш, шунингдек кўрик, диагностик текширув, динамик назоратда соғлиқни ҳолатини баҳолаш, хомиладорликни ва туғруқдан кейинги ҳолатларда асоратларини ўз вақтида аниқлаш; хомиладорликни ва туғруқдан кечинги ҳолат асоратли кечилганда, хомиладор ва туғруқдан кейинги аёлларни зарур бўлган ҳолатларда мутахассис-шифокорлар маслаҳатига юбориш; госпитализацияга муҳтож бўлган хомиладор аёллар ва туғруқдан кейинги аёлларни аниқлаш; хомилани 1-2 ойлигида ривожланиш порокларини аниқлаш мақсадида, хомиладор аёлларни ўз вақтида скрининг текширувидан ўтказиш; олдиндан ҳар бир хомиладорнинг соғлиғини ҳолатига қараб тавсия этилган ёрдамчи туғруқхона муассасасини даражасини рационал аниқлаш; хомиладор ва туғруқдан кейинги аёлларни патронажи; Туғруқга яқин хомиладорни ва уни оила аъзоларини психопрофилактик ва жисмоний тайёрлаш; туғруқдан кейинги ҳолати физиологик кечишида туғган аёлларни диспансер ҳисобдан чиқариш.
7. Комплексли эпидемияга қарши тозалик чора тадбирларни ташқил қилиш ва ўтказиш, шунингдек: профилактик эмлаш, бириктирилган хонадонларнинг ва атроф территориясини тозалик ҳолатини умумий назорат қилиш, инфекцион касалликлар ўчоқларида кузатиш чора тадбирлар ўтказиш, бириктирилган аҳолини хафли эпидемиологик ҳолатлари тўғрисида огоҳлантириш.
8. Бириктирилган аҳолини соғлом ҳаёт кечиришга ўрганишни уйғотиш чора тадбирларини ташқил қилиб ўтказиш, шунингдек улғаймоқ авлодни соғломлаштириш; она ва болани соғлиғини ҳимоялаш; оилани рационал режалаштириш; оилавий ҳаётни ижтимоий ва бошқа аспектларида этика, психология, гигиенасига; туғруқга ваа туғруқдан кейинги ҳолатларда (анте ва перинатал кечиши); кўкрак билан эмизишига; рационал

- озикланишига; тозалик ва гигиена асосларига; туғма аномалияларни ва наслий касалликларни камайтиришга, иммунизацияга;
9. Ижтимоий ёрдам ходимлари билан биргаликда ёлғиз, қарияларга, ногиронларга ва сурункали патологияли беморларга патронаж ташкил қилиб, тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш
 10. Тартибли аҳолини болалари ва катталарига, мактабгача болалар муассасаси, мактаб коллежлари, ОЎЮга, болалар уйига, интернатларга, муассасаларга тиббий хизмат кўрсатиш.
 11. Беморларни сурункали патологияларини эрта аниқлаш мақсадида мулжалли тиббий ва профилактик кўрикларини, контингентлар буйича умумий диспансеризацияси, биринчи ўринда болалар ва ўсмирлар учун ташкил қилиш ва ўтказиш;
 12. Ижтимоий-маъноли касалликларга қарши даволаш-профилактик чора тадбирлар ўтказиш, шу жумладан туберкулёз, тери-таносил касалликлари, хавфли ўсмалар, ОИТС ва ОИВ инфекциялари.
 13. Аҳолини касалликларини, меҳнат қобилиятини доимий ва вақтинчалик йўқолишига олиб келган касалликларни сабабларини ўрганиш, касалланиш ва травматизмнинг камайишига олиб бориладиган чора тадбирлар.
 14. Тиббий хизматлар сифати ва фойдасини ошириши учун бириктирилган аҳолига тез тиббий ёрдам кўрсатилиш усуллари ва тартиб формалари ташкил қилиниши.
 15. Вақтинча иш қобилиятини йўқотиши экспертизасини тасдиқланган тартибда ўтказиш: беморларни шифокорлар маслаҳат комиссиясига (ВКК) ва соғлиқни ҳолатини меҳнат шифокори эксперт комиссиясига (ВТЭК) га соғлиқни ҳолатини ва меҳнат қобилиятини аниқлаш учун шифокор экспертизасига, соғлиқни сақлаш Вазирлигини тасдиқланган ҳолатига асосан ўтказиши учун юбориш.
 16. Давлат Марказий санитария-эпидемиология назоратига (ЦГСЭН) ўз вақтида инфекцион касалликлар, захарланишлар ва фавқулотли вазиятларни аниқланиши ва рўйхатдан ўтказиш тўғрисида хабар бериш.

17. Бириктирилган аҳолини соғлиқни сақлаш ва мустахкамлаш чора тадбирларини ўтказиш учун жамоани кенг жалб қилиш.
18. Тасдиқланган шакли хужжатларни ҳисоб ва ҳисоботини сифатли, ўз вақтида олиб бориш.
19. Беморларни ҳурмати ва ҳуқуқини амал қилиш.
20. Ихтиёردа бўлган тиббий асбоб-ускунларини, БТСЁ аппаратура ва мол мулклари фойдали ишлатилиши ва сақлашни таъминлаш.
21. Хоналарда амалдаги норма ва қоидаларга келишган эпидемияга қарши режим ва тозалик-гигиена, асептика қоидабини, асбоб ва материалларни стерилизация шароитларини сақлаш, инфекциядан кейинги асоратларни огоҳ қилиш, парентерал гепатитлар, ОИТС, бошқа инфекциялардан олдини олиш.
22. Лаборатор ва инструментал текширувларни мос бўлган диагностика ва стандарт жиҳозлар билан ўтказиш.
23. БТСЁ Ўзбекистон Республикаси қонуни томонидан маън этилмаган ва бу муассасаларни мулкчилига жавоб берадиган фаолият бошқа турлари билан шуғулланиши мумкин.

БТСЁ бошқарувини бош шифокор бажаради.

- БТСЁ бош шифокори, вилоят ҳокимиятини бошлиғи билан келишган ҳолда марказий шаҳар касалхонасининг бош шифокори томонидан тайинланади ва овоз қилинади, Тошкент шаҳрида – Тошкент шаҳри соғлиқни сақлаш Бош бошқармаси билан туман соғлиқни сақлаш бошқарма органи келишилган ҳолда;
- БТСЁнинг фаолиятини бош шифокор бошқаради ва назорат қилади, иш ташқил қилади ва уни иши натижаларига жавобгарлик олиб боради, хизмат қилинаётган территорияда санитария-эпидемиология хотиржамлигига жавоб беради. Иношчномасиз БТСЁ номидан иш тутиши мумкин.
- Ҳамма муассасаларда ўзини танитиш мумкин, келишувлар тузиш, ишончнома бериш, банкларда ҳисоб-китоб ва бошқа ҳисоблар очади,

хужжатларда биринчи имзо чекиш ҳуқуқи билан эга бўлади, ҳамма БТСЁ ходимларига муҳим буйруқлар чиқаради, БТСЁ ходимларини ишга қабул қилади ва озод қилади, меҳнат қонунига асосан уларни рағбарлантиради ва қарз ундиради, уни ҳуқуқига кирувчи бошқа функцияларни бажаради.

БТСЁнинг асосий маблағ билан таъминлаш чашмаси бўлиб давлат бюджети ҳисобланади, бюджетдан ташқари келадиган мақлағ бўлиши мумкин, улар:

- профил фаолиятини амалга оширилган хизмати ва бажарувлари;
- бегона ташкилотларга ишлатилмаётган хоналарни вақтинчалик арендага тақдим этиш.
- Хоналар ва бошқа давлат мол мулкани;
- Юридик ва жисмоний шахслар томонидан берилаётган хомийлик ёрдами;

БТСЁ амалга оширилган қарорга муносиб тезлаштириш ва ривожланиш моддий фонд тузади, улар муассасани моддий рағбатлантириш ва моддий-техник базасини ривожланиши учун ишлатилади.

- бошқа чашма бўлиб, соғлиқни сақлаш бошқармасини территориал органи томонидан берилган тартибда тасдиқланган махсус рухсатнома бўлганда аҳолига пуллик хизмат кўрсатишдан келган даромадлар бўлиши мумкин.
- БТСЁ ижтимоий ривожланиш саволлари коллектив келишув йўли билан ҳал этилади ва коллектив шартномаси билан тартибланади. Коллектив шартномаси ишлаб БТСЁни ишлаб чиқариш ва меҳнат муносабатларни, меҳнат сақланиши ва социал ривожланишни тартиблайди.
- Меҳнат ҳақини системаси ва формаси, БТСЁ ходимларини меҳнатини моддий тартибланиши қонунга мос ихтёрдаги фонд чегарасида ташқил этилади. Энг паст иш ҳақини ҳажми бирлик тариф даражасига мос белгиланади, юқори чекланган ҳажми чегараланмайди ва ўтқазилган иш сифати ҳамда ҳажмидан, шароитидан, БТСЁ ҳар бир ходими билан тузилган индивидуал иш шартномасига асосан қўлланади.

- БТСЁларни ишчилари ишини моддий ривожлантириш фондлари орқали тартиблаш.
- БТСЁ ўз фаолиятини натижаларини назоратини ва ҳисобини олиб боради, бунинг учун доимий асосда бухгалтер оператив ва тиббий ҳисоботи, конунга муносиб молия-бухгалтерлик, статистик ва тиббиёт-статистик ҳисоботи олиб борилади.
- БТСЁ ўз иш фаолияти натижаларини ҳисоботини ва бошқа маълумотларни амалга ошган конуний келишилган муддатда тақдим этади:
- тиббиёт-статистика ҳисоботлар – соғлиқни сақлаш бошқармасини территориал органларига;
- статистика ҳисоботини – статистика давлат территориал органларига;
- молий-бухгалтер ҳисоботини – территориал молия бошқармаси органларига;
- конун билан тасдиқланмаган бошқа ҳисобот турлари тақдим этилиши ман этилади. Бошқа бирон бир корхона ва муассасалар БТСЁнинг фаолияти тўғрисида ахборот ва ҳисобот талаб қилишига ҳақи йўқ.

Оилавий поликлиника функциялари.

Оилавий поликлиника қуйидаги функцияларни ташқил қилади:

1. Касалликларни олдини олиш ва қисқаришига, ногиронликга, ва улимни қисқаришига, касалликни эрта аниқлашга йўнналган комплекс профилактик чора тадбирлар ўтказиш.
2. Оилавий- территориал принципи бўйича бириктирилган аҳолисига биринчи тиббий-санитария ёрдам кўрсатиш(беморларни амбулатор тарзда қабул қилиш, беморларни хонадонга қатнаб кўриш ва бошқалар).
3. Пациентларни соғлиғини назоратини олиб бориш, текширувлардан ўтказиш, ва зарур бўлган даволаш ҳамда соғломлаштириш, диспансер кузатиш ташқил қилиш.
4. Лаборатор ва инструментал текшириш билан таъминлаш.
5. Беморларни белгиланган тартибда касалхоналарга госпитализация қилиш.

6. Пациентларга умумий шифокор практикали мутахассислар компетенцияси рамкаларида малакали тиббий ёрдам кўрсатиш.
7. Хаёт учун хавфли бўлган ҳолатларда ёки бахтсиз ҳодисаларда (травма, захарланиш, ҳайвонлар ва кемирувчиларни тишлаши ва бошқаларда) тезкор равишда тиббий ёрдам кўрсатиш.
8. Курсатгичларга асосан беморларни бошқа даволаш-профилактика муассасаларига махсус тиббий ёрдам кўрсатилиш учун, транспортировка билан таъминлаш.
9. Пациентларни вақтинча меҳнат қобилиятини йўқотганлиги экспертизасини ўтказиш, ва шундай ўз вақтида ВТЭЖга умумий меҳнат қобилиятини йўқотишига хос белгилари бўлган шахсларни юбориш.
10. Сурункали касалликлари бўлган беморларга ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш учун ижтимоий органлари билан биргаликда ёки мустқил равишда тиббий ёрдам кўрсатиш.
11. Оилага маслаҳатли ёрдам ва санитария-тушунтириш ишларини олиб бориш:
 - Юқумли касалликларни профилактикаси;
 - курак билан эмизиш, болаларни гигиеник тарбияси, болаларни соғлиғини ёмонлашишини огоҳи, уларни таълим олиш муассасаларга тайёрлаш, профориентацияси;
 - репродуктив соғлиқни сақлаш, хавфсиз оналикни таъминлаш, керак бўлмаган ҳомиладорликни огоҳ қилиш, контрацепция, этика, психология, социал ва оилавий ҳаётни тиббий-сексуал аспектлари;
 - соғлом ҳаёт кечириш, жисмоний тарбия ва спортни ахамияти;
 - зарарли одатлар ва уларни асоратлари;
14. оилавий поликлиникага бириктирилган аҳолини соғлиғи ҳолатини анализи ва соғломлантириш чора тадбирларини режаси ишлаб чиқиши.
15. белгиланган тартибда профилактик эмлаш ўтказиш, санитария-эпидемиология назорат органларига инфекцион вазиятлар тўғрисида, паразитар ва касбий касалликлар, аҳолини захарланиши, санитар- гигиеник

қоидаларини ва эпидемияга қарши талабларни бузиш ҳолатларини маълум қилиш.

16. Ҳисоб ва ҳисобот ҳужжатларини тузиш.

17. Беморларни даволаш ва текширишда бошқа даволаш-профилактик муассасалар билан ишда қабул қилиш принципларини сақлаш.

Оилавий поликлиника таркиби.

Оилавий поликлиникаси тавсия этган таркиби:

1. Регистратура;
2. Шифокоргача хона;
3. Маслахат- даволаш бўлими;
4. Кундузги стационар;
5. функционал диагностика хонаси;
6. Орал регидратация пункти;
7. Соғлом бола хонаси;
8. Клиник-диагностка лабораторияси;
9. физиотерапия бўлими;
- 10.Марказий стерилизациялаш бўлими;
- 11.информацион-коммуникацион технология хонаси ёки медицина статистикаси хонаси;
- 12.Бухгалтерия;
- 13.Административ-бошқарма ва хўжалик бўлими.
- 14.Оилавий поликлиника структураларида бошқа бўлимлар ҳам хоналар бўлиши мумкин: ДОТС хонаси, рентген хонаси, изолятор, ичак ва томчи гурухли инфекцияларга материаллар олиш хонаси, балғам олиш хонаси ва бошқалар.

Оилавий поликлиника руйхатхонаси функциялари

(шаҳар БТСЁ экспериментал корхонаси)

1. Оилавий поликлиника регистратураси уни структурали булими деб ҳисобланади, беморларни поликлиникада ва хонадонда ўз вақтида шифокор қабулига рўйхатга олишни таъминлайди.
2. Регистратура таркибида: шифокорни хонадонга чақирувни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, тиббий маълумотнома ва касаллик тарихини рўйхатга олиш, тиббий архив учун алоҳида ажратилган ўринлардан иборат.
3. Регистратура ишини бевосита бошқарувчиси бош тиббий хамшира булади.

ОП регистратураси асосий функциялари бўлиб:

1. Беморларни уйга чақирув ва шифокор қабулига дастлабки ва тезкор рўйхатга олишни уларни поликлиникага мурожаат қилишда ҳамда телефон орқали қабул қилиниши ташқил қилиш.
2. Аҳолини кундалик ҳамда дам олиш, байрам кунлари қабул қилишларини маълум қилиш, вақтини ва хоналар сонини кўрсатиш.
3. Аҳолини шифокор қабулига ёзилиши тартиби тўғрисида хабардор қилиш, бош шифокор ва уни муовини аҳолини қабул қилиш жойи ва вақтини маълум қилиш, дорихоналар, кечки ва тунгги вақтда, дам олиш кунларида, байрам кунларида тезкор ёрдам берадиган стационарлар манзилини маълум қилиш.
4. Вақтинча меҳнат қобилиятига эга бўлолмаслиги тўғрисида тегишли муҳр билан тасдиқланган тиббий маълумотнома бериш, ва уларни махсус дафтарларда ҳисобга олиб регистрация қилиш.
5. ОПга қайта келган ёки чиқиб кетган пациентларни ҳисоби ва регистрацияси.
6. Ҳисоб ҳужжатларни тўғри тузиш бориш.

Оилавий поликлиникада шифокордан олдинги хона функцияси

1. Шифокордан олдинги хона оилавий поликлиникада пациентни булган муаммосини аниқлаш учун ва уни умумий оқимдан ажратиш учун ташқил этилган, ўткир инфекцион касалликларга гумонли беморлар.
2. Соғлиқни ҳолатини ҳаётий курсаткичларини ўлчаш ва баҳолаш.
3. Зарур булганда бактериологик текширувга материал йиғиш, ва шифокоргача тезкор ёрдам бериш.
4. Шифокоргача бўлган хонада малакали тиббий хамшира ишлаш лозим, шифокоргача бўлган хонани иш фаолиятини бош тиббий хамшира назорат қилади.

Оилавий поликлиникани соғлом фарзанд хонасини функциялари

Соғлом фарзанд хонасига жавобгарликни УАШ ҳисобидаги, тажрибали ёки махсус тайёргарлик кўрган тиббий хамшираси олиб боради.

1. Соғлом хонада умумий практика шифокорлари ва тиббий хамширалар ота-оналарга болаларни тўғри парвариш қилишга кўникишларини ўргатиш индивидуал ишлар олиб борадилар.
2. Соғлом фарзанд хонасига қатнаш режасини умумий практика шифокори тузади.
3. Соғлом фарзанд хонасига :
 - ёш болаларни ота-оналари билан индивидуал ва коллектив суҳбат олиб бориш учун:
 - “Оналар мактаби” ташқил қилиниши учун:
 - Ота –оналарни болаларни парвариш қилиш методикаларини ўргатиш, кун режимини ташқил қилиш учун, ёшига мансуб массаж комплексларига, болалар озиқасини тайёрлаш технологиясига, қўшимча озиқланиш ва озиқлантириш киритиш режалари,қоидалари;
 - мактабгача бўлган муассасаларга қатнашни қоидаларига болаларни индивидуал тайёрлаш.

Оилавий поликлиника бош шифокори функциялари

1. Поликлиника Бош шифокори яккабошчилик асосида фаолият бошқарувини олиб боради ва кредитларни тақсимловчи бўлади.
2. Оилавий поликлиника Бош шифокори тайёрланади ва озод қилинади Тошкент шаҳрида Тошкент шаҳри Соғлиқни сақлаш бошқармаси органлари билан туман Соғлиқни сақлаш бошқармаси келишилган ҳолда; Марғилон, Самарқанд, Гулистон шаҳрларида – иш фаолияти 5 йилдан кам бўлмаган даволаш ва ташкилот ишларида тажрибаси бўлган малакали шифокорлар тизимидан бўлганлар, марказий шаҳар касалхонаси Бош шифокори ва вилоят ҳокимиятининг Соғлиқни сақлаш бошқармаси келишилган ҳолатда.
3. Ойилавий поликлиника Бош шифокори ягона территориал Соғлиқни сақлаш бошқармаси органларига бўйсинади.
4. Бош шифокор Ўзбекистон Республикаси амалга ошган мейёрий-ҳуқуқий актлари, соғлиқни сақлаш бошқармаси юқори органлар буйруқлари ва бошқармалари, муассаса Устави, ва эга бўлган шароит билан ўз фаолиятини бошқаради.
5. Оилавий поликлиника Бош шифокорини функционал мажбуриятлари:

Бош шифокор мажбурияти бўлиб, ойилавий поликлиникада ва хонадонда аҳолига малакали тиббий ёрдам ташкил қилиш.

 1. Аҳолини амалга ошган шароитларга мансуб диспансеризацияси.
 2. Муассасада даволаш-диагностика сифатини оширишга йўнналтирилган чора тадбирлар ўтказиш.
 3. Инфекцион ва умумий касалликларни, вақтинчалик иш фаолиятини йўқилишига олиб келган касалликларни, ногиронликни ва аҳолини умумий улимини қикаришига ва профилактикасига йўнналтирилган чорра тадбирлар ташкил қилиш.
